

Мақтаб таълимини ривожлантириш умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда.



№79-80
2019-йил, 1-октабр
Seshanba (32.570)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston O'VOZI

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг «Болалар
музыка ва санъат мактаблари
раҳбар, ўқитувчи ва
концертмейстерлари
меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни
моддий рағбатлантириш
тизимини такомиллаштириш
тўғрисида»ги қарорини
газетамиз сайтида ўқитингиз
мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Авалло, сиз, азизларини, таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган барча педагог ходимларини ўқитувчи ва мураббийлар кўни билан чин қалбимдан табриклаб, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ушбу кўнун айёмда барчамиз бизга илм ўргатган, ҳаёт сабогини берган жонқуяр, фидойи ўқитувчи ва домлаларимизга чўқур ҳурмат бажо келтириб, чин дилдан таъзим қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибдир.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудўжа Бехбудийнинг: «Авлодларингизга фақат бугуннинг эмас, келгуси замоннинг илмини ўргатинг», деган сўзларини беихтиёр ёдимизга тушади.

Чиндан ҳам, дунё миқёсида рақобат янада кучайиб борадиган, ўта мураккаб бир даврда яшайдиган болаларимизни келажакка тайёрлаб, соғлом ва баркамол инсонлар этиб воёга етказиш таълим-тарбия соҳаси, ўқитувчи меҳнатининг туб моҳиятини ташкил этади.

Ана шу ўқити ҳақиқатини ҳисобга олиб, биз таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши даражасига кўтардик.

Ўтган қисқа даврда мактабга таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, мактаб таълимида 11 йиллик таълимга ўтиш, академик лицей ва касб-хунар коллежларини оптимallasштириш, нодавлат таълим хизмати кўрсатиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширдик.

Бугунги кунда сизларнинг, бутун эл-юртимизнинг қизгин қўллаб-қувватлаши билан

мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда.

Буюк алломаларимиз, атоқли шоир ва адибларимиз номи билан аталадиган иқод ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаблар, «Темирбеклар мактаблари», Президент мактаблари каби мутлақо янги намунадаги замонавий ва инновацион таълим масканлари айни шу мақсадга хизмат қилади.

Бу борада умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш масаласига устувор аҳамият берилмоқда. Бунинг тасдиғини сўнгги икки йилда 238 та янги мактаб барпо этилганида ҳам кўриш мумкин. Ҳолбуки, 2010-2016 йилларда бу соҳага етарли эътибор берилмагани туфайли 99 та мактаб ёпилган эди.

Мазкур соҳани ривожлантириш учун ажратилган бюджет маблағлари ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда мактабларга 2017 йилга нисбатан 81 фоиздан зиёд маблағ ажратилди.

Юртимизда бочка, мактаб ва олий таълим тизимида ишлаётган тарбиячилар, ўқитувчи ва домлалар меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг иш ҳақини, жамиятдаги нуфузини ошириш бўйича муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Соҳа ривожига бўлган ана шундай эътибор мактабларда ўқув-тарбия жараёнларини сифат жиҳатидан ўзгартиришга, ўқитувчилар тарбияни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Биз таълим-тарбия масаласига комплекс ёндашган ҳолда, бочка таълими билан бирга олий таълим тизимини ҳам узвий ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу мақсадда мамлакатимизда мактабга таълим ҳамда олий таълимни ривожлантириш дастурлари қабул қилинди ва шу асосда туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, кейинги икки йилда мамлакатимизда 35 та, жумладан, 13 та хорижий олий ўқув юрти ташкил этилди. Юздан ортиқ янги бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда 94 та магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси уч йил бурунги 9 фоиздан 20 фоизга ошди. Биз яқин келажакда бу кўрсаткични 25 фоизга етказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Яратилган имкониятлар туфайли Ўзбекистон ёшлари турли соҳаларда ўз билим ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз шухратини бутун дунёга тараннум этмоқда.

Кўни кеча Россиянинг Екатеринбург шаҳрида дунёнинг 80 га яқин мамлакатидан моҳир спортчилар иштирок этган бокс бўйича жаҳон чемпионатида миллий жамоамиз вакиллари юксак азму шижоат ва маҳорат намунасини кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллагани барчамизни қувонтириб, гурур ва ифтихор бағишлайди.

Бундай улкан ютуқларни биз аввало сизлар каби фидойи устоз-мураббийларнинг фидокорона меҳнати натижаси сифатида қабул қиламиз.

Қадрли юртдошлар! Барчамиз яхши тушунамизки, бугунги шиддатли замон барча соҳаларда каторида таълим-тарбия тизимини ривожлантириш бўйича ҳам олдимизга гоят муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Давоми 2-бетда. ▶

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КУРАГИ ЕРГА ТЕГМАГАН БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА МУНОСИБ ЎҒЛОНЛАРНИ ТАҚДИРЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27 сентябрдаги фармонида мувофиқ, Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида юксак натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи ва мураббийлар фахрий унвон ва медаллар билан тақдирланган эди.

30 сентябрь кўни Кўксаройда ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спорт федерациялари раҳбарлари, боксчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Мамлакатимизда ёшлар камолоти, спорт ривожини учун пухта замин яратилган. 2019-2023 йилларда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси ички амалга оширилмоқда. Жойларда янги спорт объектлари ишга туширилиб, ёшлар соғлом турмуш тарзига фаол жалб этилмоқда. Профессional спортчиларнинг машгулотлар ўтказиши, маҳоратини мунтазам ошириб бориш учун замонавий шaroитлар яратилмоқда.

Президентимиз раислигида жорий йил 4 сентябрь кўни ўтказилган видеоселектор йиғилишида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақа-ларга тайёргарликни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган эди.

Ўтган қисқа вақтда спортчиларимиз бир неча турнирларда иштирок этиб, улкан ютуқларни қўлга киритди. Хусусан, 14-22 сентябрь кўнлари Қозоғистон пойтахти Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтган юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 4 та медал билан 2-ўринни эгаллади. Эътиборлики, совриндор спортчиларимиз 2020 йилги Токио Олимпиадасига ҳам йўлланма олди.

20-25 сентябрь кўнлари Тошкентда дзюдо бўйича халқаро Гран-при турнири юқори савияда ўтказилди. Унда 71 мамлакат спортчилари 14 та вазн тоифасида қатнашди. Юртимиз терма жамоаси жами 6 та медал билан 2-ўринга сазовор бўлди.

6-22 сентябрь кўнлари Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионати спортчиларимиз учун янада муваффақиятли кечди. Саксонга яқин мамлакатдан энг кучли чарм қўлқоп усталари иштирок этган гоят кескин беллашуларда терма жамоамиз 3 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медални қўлга киритди. АҚШ, Куба, Россия, Қозоғистон, Англия, Ҳиндистон каби бокс бўйича етакчи давлатлар вакиллари ортда қолдириб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Жамоа сардори Баҳодир Жалолов чемпионатнинг «Энг яхши боксчиси» деб эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, спортчиларимизни, уларнинг устоз ва мураббийларини, бутун халқимизни бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг тарихий ғалабаси билан самимий табриклади.

Бўлиб ўтган самимий мулоқотда терма жамоамиз бокс бўйича етакчи давлатлар вакиллари орада қолдириб, яқиний бокс-қўлиб қиратиш қўлга киритгани уларнинг нафақат жисмоний, балки руҳий ва маънавий жиҳатдан ҳам яхши тайёргарлик билан майдонга чиққани натижаси экани алоҳида таъкидланди.

Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд каби ҳеч қачон кураги ерга тегмаган буюк аждодларимизга муносиб ўғлонларни тақдирлади.

Маган буюк аждодларимизга муносиб ўғлонларгина ана шундай улуғ зафарларга қодир бўла олади. Сизлар миллий спортимиз тарихида янги ва ёрқин саҳифа очиб, жонажон Ўзбекистонимиз обрў-эътиборини янада юксакларга кўтардингиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари учрашувда иштирок этган боксчиларимизнинг ота-оналарини алоҳида қўллаб, улар мана шундай мард, мустаҳкам иродали, ватанпарвар фарзандларни воёга етказиб, қўлчиликка намуна бўлганларини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, дунёнинг 80 га яқин мамлакатидан энг кучли чарм қўлқоп усталари иштирок этган ва гоят кескин курашлар остида ўтган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз энг юқори поғонага кўтарилгани улкан жасорат ва қаҳрамонлик намуна-сидир. Бунинг учун зарур бўлган бекиёс куч-гайрат, билим ва маҳорат, мустаҳкам ишонч манбаи аввало, Ватанимиз, олижаноб халқимиз, унинг шонли тарихи ва бой маънавияти, десак, асло муволафа бўлмайди. Ана шундай буюк кучга таяниб, миллионлаб ёшларимиз юртимизни ҳар томонлама тараққий топтириш йўлида зўр гайрат ва шижоат билан майдонга чиқмоқда, деди Президентимиз.

Маълумки, 2016 йил Бразилияда бўлиб ўтган Олимпияда бўлиб ўтган боксчиларимиз ҳаммани қўйиб қолдириб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган эди. Эришилган бундай ютуқлар тасодифий эмаслигини, Ўзбекистон тои маънода бокс мамлакатига айланиб бораётгани миллий терма жамоамиз аъзолари яна бир бор бутун дунёга яққол намоён этди.

Бу ғалаба «Ўзбекистон бокс мактаби», «Ўзбекистон боксчилари» деган сўзларни жаҳон спорт тарихига олтин ҳарфлар билан муҳрлаб қўйди. Энди Ўзбекистон боксчиларини, ўзбек бокс мактабини тан олган ҳам тан олади, тан олмаган ҳам тан олади. Энди «Ўзбекистон», «Ўзбекистон» деса, манаман деган боксчилар ҳам ўйлаб рингга тушадиган бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортга, хусусан, бокс соҳасига қўрсатилган эътибор, яратилган зарур шaroитлар рўёби, аввало, мана шундай ютуқларда кўринади. Мамлакатимизда замонавий таълим-тарбия масканлари билан бирга, янги-янги спорт мактаблари ва мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари барпо этилаётгани, болаларимиз қалбида спортга меҳр уйғотишга алоҳида аҳамият бериллаётгани бу борада ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Айниқса, ҳурматли устоз ва мураббийлар меҳнати кадр топиб, уларнинг мақоли ва мақоми ошиб бораётгани ютуқлар гарови бўлмоқда.

«Ёшлар — келажакимиз», «Бешта муҳим ташаббус», «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Обод марказ» каби дастурларнинг барчасида фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялашга, уларнинг спорт билан шуғулланишига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бу ғалабанинг яна бир муҳим томони шундаки, у мамлакатимизда бокска спорт турларининг ривожига ҳам қўдратли туртки беради, ўз навбатида, ёшларни барча соҳаларда маррани баланд олиб, доимо ғалаба сари интилиб яшашга ўргатади, деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда терма жамоамиз қўлга киритган оламшумул ютуққа бекиёс ҳисса қўшган қаҳрамон боксчиларимизнинг ҳар бири ҳақида гурур ва ифтихор билан фикр билдирилди.

Шаҳобиддин Зоиров бир қатор кучли рақибларни, хусусан, финалда хиндистонлик машҳур боксчини енгиб, дастлабки олтин медални қўлга киритгани, Мирзаизбек Мирзахалилов финалда кубалик ўта кучли рақибни иккинчи раунддаёқ мағлуб этгани, алломишлар юрти — Сурхондарё фарзанди, учинчи олтин медал соҳиби Баҳодир Жалолов ўта оғир вазнда ҳам чемпион, ҳам чемпионатнинг «Энг яхши боксчиси» деган эътирофга сазовор бўлгани, ёш, истеъдодли боксчимиз Дилшодбек Рўзметов бундай нуфузли мусобақада илк бор иштирок этганига қарамасдан, қумуш медални қўлга киритгани, бронза медалига сазовор бўлган Бобо-Усмон Боти-ров ҳам жаҳон чемпионатида илк марта қатнашиб, фахрли натижага эришгани алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда эришилган ғалабани таъминлашда мураббийлар таркиби, Бокс федерациясининг салмоқли ҳиссаси борлиги эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари кучли ва енгилмас жамоани тайёрлаш учун чинакам фидойилик кўрсатган, тўри тактика танлаган ва пухта машгулотлар олиб борган Марат Қурбонов, Раҳматжон Рўзихонов, Тўлқин Қиличев, Истам Кабинов, Баҳодир Эркаев, Фаррух Қиличев каби мураббийларнинг хизматлари юқори баҳолаб, уларни чин дилдан табриклади.

Мулоқот давомида келаси йил Японияда бўлиб ўтадиган Олимпияда бўлиб ўтган тайёргарлик ҳақида ҳам атрофлича сўз юритилди. Ўзбекистон боксчилари катта ғалабани қўлга киритиб, бу борада мустаҳкам пойдевор яратганига алоҳида ургу берилди.

Жадал ривожланаётган, очик ва демократик мамлакатимиз ўзининг спорт соҳасидаги янги қиёфасини намойиш этиши учун бу Олимпиада жуда катта имкониятдир. Албатта, спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, профессионал маҳорати ва тажрибаси жуда муҳим. Лекин энг зарур жиҳати — бу Олимпия жамоамизнинг руҳий тайёргарлиги. Спортчининг ўзига ишончи қанчалик кучли бўлса, натижа ҳам шунча юқори бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда Президентимиз томонидан боксчи мактаблар, маҳаллалар, туманлар ва вилоятлар даражасида ривожлантириш юзасидан зарур шaroитлар яратиш бўйича концепция ишлаб чиқиш, боксчи умуммиллий спорт турига айлантириш юзасидан алоҳида дастур ва чора-тадбирлар қабул қилишга доир муҳим тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Маросимда бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи М.Қурбонов, жаҳон чемпионлари Б.Жалолов, М.Мирзахалилов ва бошқалар спортни ривожлантириш ҳамда спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қўрсатган доимий эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

ЎЗА



Дилбар Абдуллаева ёш авлодга илм-фан сирларини пухта ўргатаётган шарафли касб эгаларидан.

Муаллима Термиз шаҳридаги 12-умумтаълим мактабида географиядан сабоқ беради. Ёш педагоглар таълим жараёнида илгор педагогик усулларни қўллаш бўйича унинг тажрибасидан унумли фойдаланади.

— Кейинги йилларда таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар самарасида ёшлар замон талаблари асосида пухта билим эгалламоқда, — дейди Халқ таълими вазирлиги Дилбар Абдуллаева. — 23 август кўни давлатимиз раҳ-

бари раислигида халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўқитувчиларнинг мақоми ва нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва имтиёзларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай юксак эътибор бизни рувлантириш баробарида янада изланишга ундамоқда.

ЎЗА ФОТОМУХБИРИ
ЖОНИБЕК ҚЎЗИМУРОҚДОВ ОЛГАН СУРАТ.

Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Албатта, ёшларимизнинг билим олишлари учун барча шароитларни яратиш, ўқув биноларини қуриш, уларни замонавий жиҳозлаш мумкин. Лекин фарзандларимизга юксак меzonлар асосида таълим-тарбия берадиган, янгича, инновацион фикр-лайдиган муаллим ва ўқитувчиларни тайёрлаш – бу энг оғир вазифа бўлиб, жуда катта меҳнат ва масъулиятни талаб этади.

Шу маънода, **бугунги кун ўқитувчиси универсал мутахассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши**, яъни ўз устида тинимсиз ишлаши, доимо изланиб яшаши керак.

Энг муҳими, **ўқитувчи чинакам ватанпарвар инсон бўлиши зарур**. Қалбда ўз касбига, Ватанига меҳр ва садоқат кучли бўлган ўқитувчигина ҳақиқий ватанпарвар шахсни тарбиялай олади.

Бизнинг барча сазъ-харакатларимиз **«Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак»** деган гоани амалга оширишга қаратилмоқда. Бунинг учун давлат ва жамият томонидан қанча маблағ, ресурс ва имкониятлар зарур бўлса, барчасини сафарбар этамиз.

Мактабларда хорижий тилларни, ахборот-коммуникация технологияларини ўргатишни таъминлаштириш, олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш, ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни самарали амалга оширишимиз лозим.

Профессонал таълим соҳасида бугунги меҳнат бозори ва халқаро стандартларга тўла мос келадиган бутунлай янги тизимга ўтишни жадаллаштиришимиз керак.

Таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, ўқитиш сифати ва педагог ходимларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган **«Замонавий мактаб»** давлат дастурини амалга ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Барчамизга аёнки, бугунги кунда ёш-атрофимизда ёшларнинг қалби ва онгини захарлаб, уларни тўғри йўлдан оғдиришга қаратилган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Бундай мафқуравий хуружларга қарши миллий гоа асосида барчамиз биргаликда курашмоғимиз, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлашимиз зарур.

Айниқса, бу вазифа барча бўғиндаги раҳбарлар, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ташкилотлари, ижодкор зиёлиларимиз, диний уламолар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, бутун жамиятимиз учун виждон ишига айланиши керак.

Азиз ва муҳтарам устозлар!

Бугун таълим-тарбия соҳасида, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларимиз, фарзандларимиз ҳаётида янги давр бошланмоқда. Бу даврни янада чуқур маъно-мазмун билан тўлдириб, **миллий юксалишга эришиш** фақат ва фақат ўзимизга, шу йўлда ҳамжиҳатлик билан қаттиқ меҳнат қилишимизга боғлиқ.

Биз халқимизнинг энг катта бойлигини – миллионлаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг тақдирини, Ўзбекистон истиқболини сизларга ишониб топширганмиз. Ва бу вазифани масъулият билан адо этиб келаётган сизлар каби фидойи инсонлар, келажак бунёдкорларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арийдми.

Сизларни ўқитувчи ва мураббийлар кўни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«Давоми, бошлангани 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЕКАТЕРИНБУРГ ШАХРИДА БОКС БЎЙИЧА БЎЛИБ ЎТГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар ва яратилаётган шароитлар туфайли спортчиларимиз томонидан улкан ютуқлар кўлга киритилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 6-22 сентябрь кўнлари Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида дунёнинг 80 га яқин мамлакатлари ўртасида бокс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида миллий терма жамоамиз вакиллари юксак азмуш шижоат ва маҳорат намунасини кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллаганлиги ҳамда Ватанимизнинг халқро миқёсдаги шон-шувратини тарафнам этишга катта ҳисса қўшганлиги, юртимизда спортни кенг оммалаштириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар онгига миллий гурур, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини кучайтириш борасидаги муносиб хизматлари учун қуйидагилар фахрий унвон ва медаллар билан мукофотлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»

Жалолов Баҳодир Исомиддин ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Мирзахалилов Мирразизбек Мирзақарим ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Курбанов Марат Галиевич — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи

Қиличев Тўлқин Махмудович — Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг бокс бўйича мураббийи

Эркаев Баҳодир Турғунович — Фаргона вилояти ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»

Зоиров Шахобидин Шокирович — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» МЕДАЛИ БИЛАН

Батуров Бобо-Усмон Шамсуддин ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Рўзметов Дилшодбек Юсупбай ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Ахмедов Бурҳон Бахрамович — Пахтакор туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи, Жиззах вилояти

Қиличев Фарруҳ Комилевич — Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг бокс бўйича бош мураббийи, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2019 йил 27 сентябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Абунасова Розия Тўраевна — Пешку туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадний гимнастика бўйича мураббийи, Бухоро вилояти

Холодова Наталья Юрьевна — Сурхондарё вилояти ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг енгил атлетика бўйича мураббийи

Юртимизда таълим соҳасини халқаро стандартлар асосида таъминлаштириш, ўқув-тарбия жараёнига илгор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш, чуқур билим ва касб-хунарга эга, мустақил фикр-лайдиган, иқтидорли, соғлом авлодни вояга етказиш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларимизни ватанпарварлиқ, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Артиков Ешпулат Рузиевич — Бухоро вилояти ихтисослаштирилган маданият мактаб-интернатининг анъанавий хонандлик бўлими ўқитувчиси

Баубекова Калжамал Бегдуллаевна — Меҳнат фахрийиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ирискулов Мухаммадавас Турсунович — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларини ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази бўлим бошлиғи

Разакова Улғхан Абдуқалиловна — Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Турсунов Эркин Атабаевич — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг гистология, патологик анатомия кафедраси профессори

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Азимова Раънохон Шариповна — Сарюсий туманидаги «Мурувват» ногирон аёллар учун интернет уйи энагаси, Сурхондарё вилояти

Айкорова Саодатхон Турғуновна — Балиқчи туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Акрамов Абдуҳаким Икромович — Ширин шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Аллабергенов Фарход Рахимович — Янгиарик туманидаги 39-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Базарбаева Севар Юлдашовна — Тошкент туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Базаров Фазилжон — Меҳнат фахрийиси, Жиззах вилояти

Дадамирзаева Инобат Муродиллаевна — Наманган шаҳридаги 77-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Иркаев Абдурахим Панджиевич — Қарши давлат университетининг миллий гоа, маънавият асослари кафедраси доценти, Қашқадарё вилояти

Исмаилов Бобир Абдурахимович — Оммавий тадбирлар расоми, Тошкент шаҳри

Касимов Юлдаш Эргашевич — Олмазор туманидаги 106-заиф эшитувчиси болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ким Идея Алексеевна — Нукус шаҳридаги «Имкон» реабилитация маркази услубчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Раманова Гулпаршын Жолдасбаевна — Чимбой туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Расулов Рустам Явқачович — Фаргона давлат университетининг физика кафедраси профессори, Фаргона вилояти

Рўзиев Темиркул Ражабович — Қорақўл туманидаги халқаро математика мактаби директори, Бухоро вилояти

Темирғалиев Фарид Салихович — Самарқанд агро-иқтисодий касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Самарқанд вилояти

Тошмирзаева Шарофат Мирбаевна — Халқ таълими вазирлиги тасарруфидagi филология фанларига ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Турсунова Рихсигул Бахромовна — Жиззах шаҳридаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Усманова Ажаргул Ибрагимовна — Навоий шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

Ухимова Нортжон Мухаммадевна — Каттақўрғон шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар маркази директори, Самарқанд вилояти

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»

ОРДЕНИ БИЛАН

Ибрагимова Муяссар Курбановна — Республика ёшлар марказининг Хоразм вилояти бўлинимаси «Инклюзив таълим» тўғраги раҳбари

Илов Аслан Нурович — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг халқаро кураш турлари назарияси ва услубини кафедраси профессори

Корниенко Валентина Владимировна — Учқудуқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Очилов Шухрат Саидович — Бухоро туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Бухоро вилояти

Сўлаймов Саёйра Иляшовна — Қўйи Чирчиқ туманидаги «Фартуна» нодавлат мактабга таълим муассасаси раҳбари, Тошкент вилояти

Турдиева Шохсанам Сайфуллаевна — Қарши шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернет уйи энагаси, Қашқадарё вилояти

Убаева Зулфия Джамиловна — Яшнобод туманидаги 30-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Тошкент шаҳри

«ДУСТИЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Ғайрат Уролович — Муборак саннат касб-хунар коллежининг махсус фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Абдуллаева Махмуда Нишанбаевна — Наманган шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Аллаков Исмаил — Термиз давлат университетининг алгебра ва геометрия кафедраси мудир, Сурхондарё вилояти

Ашуров Қахрамонжон Хайидбоевич — Сўх туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Бўриев Сулаймон — Бухоро давлат университетининг биология кафедраси профессори, Бухоро вилояти

Власова Лилия Вильдановна — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадний гимнастика бўйича мураббийи

Жаборова Махпират Имомовна — Янгиер шаҳридаги 5-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

Жўраев Хусанбой — Улутнор туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

«Давоми, бошлангани 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КўНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Канаки Эдуард Валерьевич — Чилонзор туманидаги 103-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Крупская Надежда Владимировна — Пайариқ туманидаги 20-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси, Самарқанд вилояти

Курбанов Хидоятулло Бобоалиевич — Сарюсий туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Кушнер Елена Натановна — Мирзо Улугбек туманидаги «Diplomat International School» нодавлат таълим муассасаси директори, Тошкент шаҳри

Махкамов Маруф Махмудович — Чуст туманидаги «Баркамол авлод» болалар маркази тўғрақ раҳбари, Наманган вилояти

Рузимова Нафиса Баймуратовна — Қўшқўпир туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Солыева Феруза Гофуровна — Дангара туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Туева Гулшод Зайниевна — Зарафшон шаҳридаги Болалар шаҳарчаси тарбиячиси, Навоий вилояти

Туранова Гулчехра Йегиталиевна — Бекобод шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Файзиев Улугбек Ганиевич — Навоий шаҳридаги «Zarafshan Golden Group» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Навоий вилояти

Хидиров Шарофиддин Акрамович — Шароф Рашидов туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Чашефов Мансурбек Халбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи

Шарипова Фотима Зариповна — Когон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Эргашов Ойбек Мухтарович — Шахрихон қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежининг махсус фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Эшбеков Тўлқин Усмоневич — Ўзбекистон Миллий университетининг жамоатчилик билан алоқалар назарияси ва амалиёти кафедраси доценти

Юлдашов Гулмирзо Шўқурлаевич — Гулран туманидаги 40-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаева Одина Рахимжоновна — Уйчи туманидаги «Жақжи профессор» нодавлат мактабга таълим муассасаси мудир, Наманган вилояти

Абдурахмонова Ирода Галабаевна — Хонобод шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Аббасова Муътабар Абдумаликовна — Сардоба туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Арзиевотова Бибисара Атамуратовна — Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази катта ўқитувчиси

Ахмеджонна Гулсарова Махмудовна — Олмазор енгил саннат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

Ахмедходжаев Хамит Турсунович — Наманган муҳандислик-технология институтининг табиий толарани дастлабки ишлаш технологияси кафедраси профессори, Наманган вилояти

Ахунжонова Гулсанам Фазилдиновна — Ўзбекистон туманидаги 1-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси, Фаргона вилояти

Ашурова Умиддахон Махмуджоновна — Андижон шаҳридаги «Болажон баҳори» нодавлат мактабга таълим муассасаси мудир, Андижон вилояти

Баратова Зумрад Рахматиллаевна — Охангарон туманидаги «Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернет уйи энагаси, Тошкент вилояти

Бурхоннов Барот Ғафорович — Шеробод туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг мусика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Бусинова Гулнора Бойбутаевна — Олмалик шаҳридаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Вахидова Лола Абдуллаевна — Хатирчи туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Давидова Дилафруз Абдуганиевна — Янгиўл туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Джалилов Умбар Хуррамович — Олтинсой туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Джалилова Хилола Холитиговна — Гулистон шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Джўраев Абдимурабт Оралович — Узун туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ешимбетова Камила Шамилевна — Нукус шаҳридаги 46-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ешмуратов Расул Махсудович — Тахтақўпир туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жаббарқуллова Нилуфар Муртозаевна — Ғаллаорол туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Жанибеков Бахтияр Сулейманович — Қўшрабoт туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Жумаева Гузал Баҳодировна — Сергели туманидаги 301-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Жўраева Хафиза Бердиёровна — Нишон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Имомова Замирахон Телмановна — Учқўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Нам

«Баркамол авлод» болалар мактаблари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга Ватанимизнинг тақдир ва келажаги учун маъсулликни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол ёш авлодни тарбиялаш ҳамда вояга етказиш учун мамлакатимизда кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Шу билан бирга, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган **бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш**, республикамизда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислохотлар улайиб келаётган ўсириш иқтидорини янада ривожлантириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, юрт равнақи йўлида уларнинг фаол иштирокчини таъминлашни бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланмоқда.

Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини янада ошириш, ўқувчи-ёшларда юқсак маънавий ғазилатларни камол топтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, касб-хўнарга йўналтириш орқали мустақил ҳаётга тайёрлаш, интеллектуал баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3931-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги техник ижодиёт, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология бўйича «Баркамол авлод» республика болалар марказлари негизида республика «Баркамол авлод» болалар мактабини;

«Баркамол авлод» туман (шаҳар) болалар марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказлари негизида «Баркамол авлод» болалар мактабларини;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги ахборот-ресурс марказлари негизида «Болалар кутубхоналарини;

2020-2023 йилларда Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тизимли равишда болалар туризмни ривожлантириш мақсадида «Баркамол авлод» болалар мактаблари ҳузурида 100-200 ўринли «Болалар сайёҳлик базаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

«Болалар кутубхоналари» умумтаълим муассасалари кутубхоналарига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, ўқувчиларнинг миллий ва жаҳон болалар бадий адабиётлари дурдона асарларига бўлган эътиҳини аниқлаш, уларни китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган тарбият-ташвиқот ишларини амалга ошириш, маданият-маърифий тадбирларни («Ёш китобхон», «Китобхон мактаби», «Энг яхши кутубхоначи» ва бошқалар) ташкил этишга қўмаклашиш;

«Болалар сайёҳлик базалари» «Баркамол авлод» болалар мактабларининг «ёш сайёҳ», «ёш экскурсовод», «ёш ўлкашунос» тўғрарак аъзолари учун ўлкамиз тарихи, қадимий ва муқаддас қадимжолар, миллий урф-одатларимиз билан яқиндан таништириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва асраш, болалар ўртасида экология ҳамда саёҳат қилиш маданиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилади.

3. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш бўйича асосий вазифалари этиб белгилансин:

ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни таъминлаш, бунда уларнинг санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш ҳамда қизларни ижтимоий фаол ҳаётга тайёрлашни ташкиллаштириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали болаларни индивидуал ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва услубий материалларни доимий такомиллаштириб бориш;

робототехника, меҳатроника, муҳандислик ва компьютер дастурий таъминоти йўналишларидаги тўғрақларни доимий ривожлантириб бориш;

болалар ва таълим туризмларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш;

ўқувчи-ёшларнинг ижодий ишларини оммалаштириш, шу жумладан, дунё бозорига миллий аъённаларимиз асосида «Баркамол авлод» болалар мактабларининг тўғрақ аъзолари томонидан яратилган махсуслотларни олиб чиқиш мақсадида «Art shop» электрон дўконларини ташкил этиш ва сотувини йўлга қўйиш;

мактабдан ташқари таълим муассасаларига ўқувчилар қамровини ошириш, ўқувчилар қизиқишларига кўра тўғрақларни ташкил этиш ва доимий фаолият олиб боришини таъминлаш;

болаларда касбни эгаллаш бўйича дастлабки билим ва кўникмаларни шакллантириш, тармоқ тўғрақлари фаолиятини методик таъминлаш, китобхонлик маданиятини ошириш учун

мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини замонавий таълим дастурлари орқали такомиллаштириш;

етакчи ташкилотлар ва олий таълим муассасалари билан биргаликда «Баркамол авлод» болалар мактабларида робототехника ва техник ижодиёт йўналишида фойдаланадиган хомашёлар рўйхатини шакллантириш ва янгилаб бориш;

болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш учун хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида «Баркамол авлод» болалар мактабларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида «Болалар технопарки» лойиҳаларини ташкил этиш;

«Баркамол авлод» болалар мактаблари ва «Болалар кутубхоналари»нинг халқро ҳамда республика танловлари ғолибларини муносиб рағбатлантириш механизмларини йўлга қўйиш; тизимда илмий ва амалий тажриба алмашиш ишларини олиб бориш мақсадида хорижий мамлакатларда ходимларнинг малака ошириши ҳамда мақсадли хизмат сафарларини ташкил этиш;

болалар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш, кўча кутубхоналари фаолиятини йўлга қўйиш, болалар ва мактаб кутубхоналарини бадий адабиётлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

мактабдан ташқари таълим муассасаларининг бўш турган бино ва ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш.

4. Қўйидагилар:

2019-2021 йилларда халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда – «Йўл харитаси») 1-иловага мувофиқ;

2020-2024 йилларда янгидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва мукамал таъмирланадиган «Баркамол авлод» болалар мактабларининг асосий параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2020-2023 йилларда янгидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва мукамал таъмирланадиган «Болалар кутубхоналари»нинг асосий параметрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

«Баркамол авлод» болалар мактабларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб «STEAM – таълим» (Science – табиий фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – муҳандислик, Art – санъат, Mathematics – математика) дастури жорий этилади;

эксперимент тариқасида ҳар бир туманда битта умумий ўрта таълим мактабларида муассаса моддий-техник базасидан келиб чиқиб ҳамда ўқувчилар қизиқишга кўра «Баркамол авлод» болалар мактабларининг тармоқ тўғрақлари ташкил этилади;

мазкур қарорнинг 4-бандида кўрсатилган «Баркамол авлод» болалар мактаблари ва «Болалар кутубхоналари»ни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш, шунингдек, мазкур объектларни жихозлаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан таъминланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

2020 йил 1 январдан бошлаб «Баркамол авлод» болалар мактабларини махсус асбоб-ускуналар ва жихозлар билан таъминлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрларида «Таълим» соҳаси учун ажратилган маблағлар доирасида ва «Баркамол авлод» болалар мактабларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

200 ўқувчига мўлжалланган «Баркамол авлод» болалар мактаблари,

100-200 ўринли «Болалар сайёҳлик базалари», 100 ўқувчига мўлжалланган «Болалар кутубхоналари»ни янгидан қуриш ишлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан келишилган яқна тартибда тасдиқланган лойиҳаларга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда қурилиш-монтаж ишларини бажаришда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан қурилиш манзилли дастурини шакллантиришда «Баркамол авлод» болалар мактаблари, «Болалар сайёҳлик базалари», «Болалар кутубхоналари»нинг аниқ сони ва рўйхатини қўрсатган ҳолда, уларнинг янгиликларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш, зарур хомашё ва инвентарлар билан жихозлаш учун зарур бўлган маблағлар ажратилишини таъминласин;

2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан манзилли дастури

турларни шакллантиришда Республика «Баркамол авлод» болалар мактаби жойлашган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш орқали 200 ўринли «Болалар сайёҳлик базаси» қурилиши ҳамда зарур хомашё ва инвентарлар билан жихозлаш бўйича тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ зарур бўлган капитал қўйилма лимитлари ажратилишини назарда тутсин.

7. Қўйидагиларни назарда тутувчи 2019-2024 йилларда Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

«Баркамол авлод» болалар мактабларини 2024 йилга қадар 50 фоиз олий маълумотли мутахассислар билан тўлдириш (жами тўғрақ раҳбарлари сонига нисбатан);

Ўқувчиларни «Баркамол авлод» болалар мактабларига қамраб олиш даражасини 10,5 фоизга етказиш (умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар сонига нисбатан);

«Баркамол авлод» болалар мактабларида 2024 йилга қадар давлат-хусусий шериклик асосида робототехника ва муҳандислик тўғрақлари улушини 10 фоизга етказиш (жами тўғрақлар сонига нисбатан);

«Болалар кутубхоналари» ва мактаб кутубхоналари учун миллий ва жаҳон адабиёти дурдоналарига кирувчи асарларнинг аудиокино шаклини яратиш;

барча «Баркамол авлод» болалар мактаблари, «Болалар кутубхоналари» ва мактаб кутубхоналарини кенг полсалли Интернет тармоғига улаш.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

икки ой муддатда «Баркамол авлод» болалар мактаблари ва «Болалар кутубхоналари» тўғрисидаги намунавий низомилар ҳамда уларнинг тузилмаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва «Узстандарт» агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда «Баркамол авлод» болалар мактаби ва «Болалар кутубхоналари»ни йўналишларига оид фаолиятини ўқув-методик жиҳатдан қўллаб-қувватлашда амалий ёрдам кўрсатсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда «Баркамол авлод» болалар мактаблари ва «Болалар кутубхоналари»ни ривожлантириш, моддий-техник базасини яхшилаш, шу жумладан, хомашёлар харид қилиш учун имтиёзли шартлар асосидаги хорижий кредитлар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштирсин.

17. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимовга – ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан самарали амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Ш.Х.Шерматовга – халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш бўйича вазифаларини тўлақонли амалга ошириш, Кафедра фаолиятини самарали йўлга қўйиш, соҳага замонавий таълим технологияларини жорий қилиш, шу жумладан, янги тўғрақларни ташкил қилиш, «Баркамол авлод» болалар мактаблари ва «Болалар кутубхоналари»ни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш, мазкур мактабларни жихозлаш ишлари ўз муддатларида амалга оширилишини таъминлаш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кенг жорий қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик қўллансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Саҳокчи қўчаси, 3-а-йи манзилида жойлашган бино ва иншоотлари тегишли ҳудудда билан биргаликда Республика «Баркамол авлод» болалар мактабини жойлаштириш учун Халқ таълими вазирлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бегараз ўтказиб берилсин.

19. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифалари кенг ёритилишини ташкил этсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бюрократиялари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қўйидаги мазмундаги 301-банд билан тўлдирилсин:

«301. Халқ таълими тизимидаги умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун ўқувчиларнинг муҳандислик, робототехника, меҳатроника ва дастурий таъминот йўналишлари бўйича ўқув машғулотларда фойдаланиш ҳамда инновацион ишланмаларни амалга ошириш юзасидан республикада ишлаб чиқариладиган, хориждан олиб келинадиган хомашёлар ва жихозлар».

21. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2019 йил 30 сентябрь

БИЛАСИЗМИ?

ЯНГИ АГЕНТЛИК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, иқод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисидаги Президент Фармони ҳамда ушбу Агентлик фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Президент қарори қабул қилинди.

Қўйидагилар Агентлигининг идоравий бўйсунувига ўтказилди:

— Президент мактаблари;
— иқод мактаблари;
— Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ва Абу Али Ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати.

Агентлигининг асосий вазифалари қўйидагича белгиланди:

шунга кўра, Агентлик Президент, иқод ва ихтисослаштирилган мактабларда ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади.

Агентлика Бош вазир тақдимномасига кўра Президент томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

Президент, иқод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун ўрнатилган давлат таълим стандартлари Агентлик томонидан тасдиқланади.

МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ



НОҚУЛАЙ БЎЛГАН ХУДУДЛАР РЎЙХАТИ БЕЛГИЛАНДИ.

Хукумат қарори (743-сон, 06.09.2019 й.) билан Табиий-иқлим ва иқлимий шароитларига оид ва ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга туман коэффициентларини, шунингдек, уларга ҳар йили бериладиган қўшимча таътилнинг энг кам муддатини белгиланган ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Иқлим устама ва иқлим қўшимча таътиллар табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхатига киритилган жойларда ишларни бажарувчи барча ходимларга қўлланилади ва берилди.

Бунда устама миқдори ушбу жой учун белгиланган тегишли коэффициентни иш ҳақи суммасига қўйилтириш орқали белгиланади.

Устамалар ҳодим ушбу жойда яшаши ёки яшамаслигидан қатъий назар иш жойи бўйича тўланади.

Рўйхатда кўрсатилган ҳудудларга бир ойдан ортиқ муддатга хизмат сафарига юборилган ходимларга ҳам мазкур ҳудудда бўлган вақти учун ушбу жой учун назарда тутилган миқдорда устама тўланади.

Бунда устама меҳнатга доир қонун ҳужжатларида назарда тутилган сафарларда ҳаражатларни қўллаш учун тўловдан қатъий назар тўланади.

ЭСКИ НАМУНАДАГИ

ТАНГА ВА БАНКНОТЛАР МУОМАЛАДАН ЧИҚАРИЛАДИ

25 сўмлик ва ундан кичик номинал қийматдаги тангалар ва банкнотларни муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақидаги қарор Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилди (рўйхат рақами 3183, 18.09.2019 й.).

Мазкур Низомига кўра, Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган 1, 3, 5, 10, 20, 50 тинийлик, 1, 5, 10, 25 сўмлик қийматдаги тангалар, шунингдек 1, 3, 5, 10, 25 сўмлик эски намунадаги банкнотлар (қоғоз пуллар) 2020 йил 1 мартдан бошлаб қонун тўлов воситаси сифатида ўз кучини йўқотди.

Ушбу танга ва банкнотлар ҳеч қандай монелик, чекловларсиз, тўлов ёки воситачилик ҳақи ундирилмаган ҳолда:

— 2020 йил 1 мартга қадар Ҳисоб-китоб касса марказлари, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан;

— 2020 йил 1 мартдан 2021 йил 1 январга қадар эса фақат Ҳисоб-китоб касса марказлари томонидан алмаштириб берилди.

Муомаладан қайтариб олинган эски намунадаги танга ва банкнотларнинг айир-бошлаш муддати 2021 йил 1 январгача этиб белгиланди.

Бунда ҳисоб-китоблар миқозлар ва аҳолининг талабига асосан:

— банк пластик картаси ҳисобварақларига кириш қилиниш орқали (тўлиқ қийматда);

— муомаладаги танга ва банкнотларга айирбошлаб бериш орқали;

— миқозларнинг тегишли ҳисобварақларига, фуқароларнинг аризасига асосан омонатга кириш қилиш орқали;

— коммунал ва бошқа бир марталик тўловлар учун қабул қилиш орқали амалга оширилади.

Адлия вазирлигининг телеграммдаги «Huquqiy Axborot» канали.

«Ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик учун курашамиз!»

Янгича кўринишдаги тарғибот тадбири

Бухоро шаҳрида кўтаринки кайфиятда ўтди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро шаҳар кенгаши ташаббуси асосида Бухоро шаҳридаги Фавворалар майдонида янгича услубда ўтказилган тарғибот тадбири бухороликлар учун унутилмас шодиёнага айланди, десак муболаға бўлмайди.

«Ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик учун курашамиз» шiori остидаги маъруза тарғибот тадбири ҳар қандай расмийликдан холи тарзда очик майдонда ўтказилди. Тадбирга таклиф этилган санъаткор ва хонандаларнинг чиқишлари ҳаммага кўтаринки кайфият улашди.

Мамлакатимиздаги ўзгариш ва янгиланишлар сиёсий партияларнинг фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда, — дейди Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши раиси Зулфия Тўйева. — Бугунги тадбиримиз бунинг ёрқин далилидир. Тараққиётнинг янги демократик босқичига қадам қўйган Ўзбекистонда янги парламент ва янги маҳаллий кенгашларни сайлаш учун янгича руҳдаги сайлов кампанияси бошланди. Бу жараёнга янгича қарашлар, янги ҳаётлар билан кириб келаямиз. Ўзбекистон Халқ демократик партияси бунга жавобан сайловолди тадбирларини янгича форматда, халқ орасида ўтказишга киришди.

Тадбирда Бухоро шаҳар ҳокими Карим Камолов сўзга чиқиб, одамларни ўйлантириб келаятган, партия Сайловолди дастурига киритилган долзарб ижтимоий масалалар хусусида фикр билдирди.

Бухоро шаҳридаги 32-сонли Меҳрибонлик уйи болалари, 27-сон ҳамда 123-сон махсус мактаб-ин-

тернати тарбияланувчилари, ногиронлиги бўлган болалар, эҳтиёжманд оилалар фарзандларига ҳам қувонч улашилди. Уларнинг қўл меҳнати маҳсулотлари тадбир доирасида аукцион савдосига қўйилди. Шу кунги уч нафар ногиронлиги бўлган кишига партия томонидан махсус аравача топширилди.

22 ёшдаман, жисмоний имкониятим чекланган бўлса-да, иштиёқим чеклангани йўқ, — дейди Мақсад Хотамова. — Ёшлар марказида ногиронлиги бор тенгдошларимга тўқиб сирларини ўргатяпман. Болажонлар учун тўқиган кийим-кечақларни сотиб олишди, бундан жуда хурсандман. Бугунги кўнгилочар тадбирни мириқиб томоша қилдим.

Бухоро шаҳридаги 27-сон махсус мактаб-интернатининг 10-А-синфида ўқийман, — дейди кўрғазмада ўз қўл меҳнати намуналарини намойиш этган Дилдора Жумаева. — Мактабимиздаги ноанъанавий каштачилик тўғрисида аъзосиман. Аукционда менинг ҳам каштадўзлик намуналаримни сотувга қўйилди. Қўлимга пул теги. Бугунги тадбир мен учун унутилмас лаҳзалар бахш этди.

Тадбирга ўзим тиккан зардўзи буюмларни олиб келдим, — дейди 32-сон Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Нигора Неъматова.

ва. — Уларни қизиқиш билан кўриб, сотиб олаётган харидорлар кўпчилигидан аввалгаги шошиб қолдим. Бундай бўлишини кутмагандим-да. Ҳар доимгидек кўрғазма бўлса керак, деб ўйлагандим. Халқ демократик партиясидан миннатдорман. Шундай тадбирлар кўпроқ ташкил этилса яхши бўларди.

Мен Бухоро шаҳридаги «Дўстлик» маҳалласиданман, — дейди Манзура Комилова. — Меҳмонга кетаётгандим. Халқ демократик партиясининг тадбирига тасодифан келиб қолдим. Қизиқarli ўтаётганидан меҳмондорчилик ҳам эсдан чиқди. Лоторейя ўйинида менга ҳам соврин чиққани қутилмаган совға бўлди.

Туркменистонданман, — дейди давра меҳмони Холжон Йўлдошева. — Бадиий китоб совға қилишди. Қизиқarli тадбир экан. Мириқиб томоша қилдим. Уйга борсам, албатта, яқинларимга бу ҳақда гапириб бераман.

Машхур эстрада хонандалари чиқишлари йиғилганларнинг кайфиятини янада кўтарди. Болалар иштирокида ўтказилган турли ноанъанавий ўйинлар ғолибларига совғалар улашилди.

Иштирокчилар билан ўтказилган савол-жавоблар ҳам қизиқarli бўлди. Сайловлар, сиёсий партиялар ва мамлакатимиз парламенти фаолияти ҳақидаги саволларга биринчи ва тўғри жавоб берганлар ҳам совғаларга эга бўлди.

Тадбир барчада катта таассурот қолдирди. Бундай тадбирлар барча туманларда ўтказилмоқда.

ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши Ахборот хизмати.

Партиямиз сафида 100 минглаб педагоглар борлигидан фахрланамиз



Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Муқимий номидаги мусиқали драма театрида «Эъзозда ва эътиборда-сиз, азиз устозлар» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказди.

Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан ташкил этилган тадбирни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Инонатов кириш сўзи билан очиб, педагогларни касб байрами билан табриклади:

— Ўқитувчи ва мураббийлар кунини, умумхалқ байрами арафасида аввало ўзимиз ўсиб-ўлғайган қадрдон мактабимиз, бизга ёзгуликдан сабоқ берган меҳрибон муаллимларимиз, улар билан боғлиқ илиқ ва самимий хотиралар эсга тушади. Мамлакатимизда педагог ходимларни эъзозлаш, меҳнатларини муносиб рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича улкан ўзгаришлар бўлмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сиз, азиз ўқитувчи ва мураббийларга катта ҳурмат билан қарайди. Партиямиз сафида 100 минглаб педагоглар борлигидан фахрланамиз. Бу бизга катта куч ва суянч беради, зиммамизга катта масъулият юклайди.

Халқ демократик партияси сайлов кампаниясига киришар экан, ўз Сайловолди дастурида таълим тизими билан боғлиқ бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Хусусан, таълим тизимида ижтимоий тенгликни таъминлаш, инклюзив таълимни ривожлантириш, қишлоқ жойларда меҳнат қилаётган педагогларга қулай шароит яратиб бериш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалалари Сайловолди дастурида алоҳида ўрин тутаяпти.

Байрам тадбирида халқимизнинг сулоли шoirиси, партиямиз фаоли Зулфия Мўминова ўқитувчи ва мураббийларга эзгу тилакларини билдириб, ушбу касб эгаларининг фидойи меҳнати улғулانган ижод намуналаридан ўқиб берди.

Шундан кейин Муқимий номидаги мусиқали драма театри ижодкорлари томонидан сахналаштирилган спектакль намойиш этилди. Сермазун, айни пайтда, қувонч саҳна асари ўқитувчиларга бир олам завоқ ва хушайфият улашди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида байрам тадбирлари ўтказмоқда.

Ўзбекистон ХДП Марказий кенгаши Ахборот хизмати.

МАЪРУЗАБОЗЛИКДАН ВОЗ КЕЧИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши ва Нукус шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган «Ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик учун курашамиз!» деб номланган тарғибот тадбири Нукус шаҳридаги «Истиқлол» истироҳат боғида ўтказилди. Унда партия фаоллари, ёшлар, таниқли санъаткорлар, маданият ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

«ИСТИҚЛОЛ» ИСТИРОХАТ БОҒИДА

— Биз ёшлар мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларга бефарқ эмасмиз, — деди Тошкент давлат университети Нукус филиали 3-босқич талабаси Азиза Қидирбоева. — Шунинг учун ҳам ушбу тадбирга дўстларимиз билан иштирок этгани келганмиз. Байрам давомида партиянинг сайловолди дастури бўйича маълумотларга эга бўлдик. Таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган қўшиқларга жўр бўлдик.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси Халилла Ешимбетов сайловларнинг юртимиздаги демократик жараёнларни жадаллаштиришдаги аҳамияти, партиянинг янги Сайловолди дастурида белгиланган асосий ғоя ва вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.


Хонандаларнинг чиқишлари ҳаммага кўтаринки кайфият улашди, — дейди Республика маънавият ва маърифат маркази Қорақалпоғистон бўлими раҳбари, партия фаоли Қуаншбой Юсупов. — ЎзХДП Сайловолди дастурига киритилган долзарб ижтимоий масалалар, хусусан, «Яшаш минимуми» ва «Истеъмол саватчаси» тўғрисида қонунлар қабул қилиш зарурати, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, коммунал хизматлар таърифларини мувофиқлаштириш масалалари кўпчилик кўнглидаги гаплар жуда муҳим вазифалар, бу ғояни қўллаб-қувватлаймиз.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Сайловолди тайёргарликда бошланғич партия ташкилотларига суянамиз

Сиёсий партия ғояларини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, ташаббусларини одамларга етказишда бошланғич партия ташкилотларининг ўрни беқиёс. Бунга яхши англаган Ўзбекистон Халқ демократик партияси доимий тарзда тизимдаги қўли ташкилотларнинг фаолиятини кучайтиришга эътибор қаратиб келмоқда.



Бугунги кунда Чилонзор туманида Ўзбекистон ХДПнинг 98 бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда, — деди туман партия кенгаши раиси Доно Маҳмудова. — Уларда 4 минг нафарга яқин партиямиз аъзолари бор. Биз тадбирларимизнинг аксарият қисмини айнан БПТларда ташкил этиб бораёلمиз. Шунингдек, қўли ташкилот етакчилари учун ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Тўғри, ҳудудимиздаги барча қўли бўғинлар бирдек илғор, дея олмаймиз. Уларнинг фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этиш учун етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, намунали фаолият олиб бораётган бошланғич партия ташкилотларини рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратишимиз керак бўлади. Шунингдек, БПТлар ўртасида ўзаро алоқани йўлга қўйиш ҳам яхши самара беради. Ҳудудимиздаги ташаббускор, партиямиз ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатаётган БПТлар ўз тажрибаларини бошқа қўли ташкилотларга ўргатиб келаятгани ҳам ўзининг натижасини бермасдан қолмапти. Айниқса, Тошкент шаҳар «Билим» ахборот-кутубхона маркази бизга бу борада катта ёрдам бериб келмоқда.

Жорий йилда «Билим» ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон ХДПнинг бошланғич ташкилоти тузилганига беш йил тўлди, — деди кутубхона директори Ҳафиза Каримова. — Ўзим 1999 йилда маъруза партияга аъзо бўлганман. Партия жамиятда ўз ўрнини топишмида жуда катта мактаб вазифасини ўтади. Аъзо бўлган кунимдан турли даражадаги тадбирларда фаол иштирок этдим. Сиёсатни янада тереңроқ тушуна бошладим. Партия тизимида тўпла-

Худудимиздаги барча қўли бўғинлар бирдек илғор, дея олмаймиз. Уларнинг фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этиш учун етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, намунали фаолият олиб бораётган бошланғич партия ташкилотларини рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратишимиз керак бўлади.

ган тажрибам, аҳоли орасида юрган фойда қилди. Вақт ўтиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлдим. Бошланғич ташкилотимизда 20 нафардан ортиқ аъзо бирлашган. Улар билан ҳар ҳафта йиғилиб, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий мавзуларда машғулотлар ўтказамиз. Жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларда ҳам партиямизга яқиндан қўмак берамиз, деган умиддамиз.

Тури тадбирларда депутат аёллар, жамиятнинг энг фаол хотин-қизларига қараб ҳавас қилардим, — деди кутубхона ходими Дилноза Мўминова. — Кутубхонага ишга кирганимда Ўзбекистон ХДП бошланғич партия ташкилоти тузилганини билдим. Ҳатто, ҳамкасбларим билан

бўлган суҳбатнинг асосий қисми партия ҳаёти, олиб бораётган ишлари тўғрисида бўларди. Бора-бора сиёсий жараёнларга қизиқишим янада ортди. Бир кун кутубхона директори Ҳафиза Каримованинг олдига кириб, партияга аъзо бўлмоқчи эканимни айтдим. Улар ниятнинг жиддийми, деб сўради ва партия устави, Сайловолди дастурини қўлимга тутқазди. Яхши-лаб танишиб чиқганимдан сўнг аъзоликка қабул қилишини айтди. Айни вақтда Халқ демократик партияси аъзоси эканлигимдан фахрланаман.

Бошланғич ташкилот партия ғоялари, мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этувчи етакчи куч ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Нигора Эшметова. — Хабарингиз бор, жорий йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Ўйлаймани, сайловларда муваффақиятли иштирок этишимиз кўп жиҳатдан бошланғич партия ташкилотлари ишининг тизимли ташкил этилишига, етакчиларнинг салоҳияти ва ташаббускорлигига ҳам боғлиқ. Улар партиямизнинг сайловолди тарғиботида энг яқин қўмақчига айланади, деб ишонаман. Негаки, БПТ аъзолари ҳудуд аҳолисининг кайфияти, ўй-фикрлари билан яқиндан таниш бўлади. Шу боис Сайловолди дастурини қай тартибда ва услубда етказиш кераклигини яхши билишди. Бундан самарали фойдаланиш эса маҳаллий партия ташкилотлари раҳбарларига ҳам боғлиқ. Таърибли, партия ғоя ва мақсадларини терең англаган ҳамда кўпчилик учун жон қойиладиган етакчиларни депутатликка номзод қилиб қўйсатриш ҳам яхши самара бериши мумкин.

Махлиё АЛИҚУЛОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш партиямизнинг устувор вазифаларидан биридир. Шу мақсадда мамлакатимиз бўйлаб «Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш бурчимиз» лойиҳаси доирасида акция ўтказилмоқда.

103 кишига моддий ёрдам берилди

50 га яқин хотин-қиз ва ёшларнинг бандлиги таъминланди

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят ва Денов туман кенгашлари ташаббуси билан яқинда Денов тумандаги «Ободон» ва «Қорахон» маҳаллаларида ана шундай тадбирлар ташкил қилинди. Акция доирасида эҳтиёжманд инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга совғалар топширилди.


Жорий йилнинг ўтган даврида маҳалла ва қишлоқларда 80 га яқин учрашув ташкил қилинди, — дейди Ўзбекистон ХДП Денов туман кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев. — Мулоқотларда аҳолини иш билан таъминлаш, кредит олишдаги муаммолар тиббий хизмат сифати, газ балонларни етishмаслиги, ички йўлларни тазмирлаш ва бошқа масалалар кичи аниқланди. Қисқа даврда 40 дан ортиқ муаммо бартараф қилинди.

Шунингдек, электротартиб вакилларининг турмуш даражасини яхшилаш ҳам назардан четда қолмагани йўқ. Саккиз ойда 103 кишига моддий ёрдам берилган бўлса, 50 га яқин хотин-қиз ва ёшларнинг бандлиги таъминланди. Бундай хайрли ва эзгу ишларни мунтазам давом эттириш кўзда тутилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, журналист.

ЎзХДП депутатлари ташаббуслари

18 йиллик муаммо ҳал бўлди



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Аксауле Тумишова ўзи сайланган округида, яъни Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри, Учқудук туманида бўлиб халқ билан бевосита мулоқотлар ўтказди. Аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни ўрганди, таҳлил қилди.

Устознинг саъйи-ҳаракатлари, меҳнати ҳамда чеккан заҳмати сабаб ҳаёт йўлларида шдам одимлашмиз. Унинг қўлларини тутиб, илк бор илм оламига сайрга чиқамиз. Ундан хатолардан тўғри хулоса чиқариб, олға юришни ўрганамиз. Вақт ўтиб, турли ташкилот ва идораларда фаолият юрита бошлаганимизда, ёхуд ўз бизнесимизни йўлга қўйган вақтда сизнинг ўғитларингиз, насиҳатларингиз қўлланамизга айланади. Фурсат бўлади, ишдан тўхтамаймиз. «Устозимга раҳмат!», деб пичирлаб ҳам қўямиз. Биз ҳаётда эришган ютуқларимиз учун Сиздан миннатдоримиз, азиз УСТОЗЛАР!

Доимо ардоғимиздасиз, азиз устозлар!

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар ҳамда Чилонзор туман кенгашлари, Тошкент автомобил ва йўллар касб-хўнаро коллежи билан ҳамкорликда байрам тадбири ўтказди. Унда партия вакиллари, депутатлар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.

— Бугун барча кўтаринки кайфиятда, — дейди коллеж директори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гурухи аъзоси Жасур Қўлмеҳаммадов. — Кимдир қўлига гул тутган, бошқаси ўз дил изҳорларини устозларига билдиришга ошиқмоқда. Ўз навбатида биз ҳам ҳаяжондамиз. Меҳнатларимиз самарасини қўриб, кадр топаётганимиздан хурсандимиз.

— Бу коллеж билан қўлдан бери ҳамкорлик қиламиз, — деди Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Нигора Эшметова. — Таълим даргоҳига келиб, турли давра суҳбатлари, семинарлар, тарғибот тадбирларини ўтказамиз. Бугун эса коллеж жамоасини ўзгача кайфиятда кўрдим. Йигит-қизлар устозларини қўчиб, илқ тилакларини билдиришяпти. Ўзингиз айтинг, устоз учун бундан ортқ бахт борми?!

Тадбирнинг бадий қисмида ўқувчилар томонидан тайёрланган кўй-қўшиқлар ижро этилиб, саҳна кўринишлари намойиш қилинди. Аиникса, таниқли сўз усталари ҳамда қизиқчиларнинг чиқишлари ийгилганларга манзур бўлди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ахборот хизмати.

Юзма-юз мулоқотлар давомида ечимини кутаётган бир қатор муаммолар борлиги маълум бўлди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 10-декабрдаги 594-сонли қарорининг 4-бандига асосан Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарларида ва шаҳар типидagi Зафаробод посёлкаси ҳудудидаги бюджет ташкилотлари ва муассасалари ишчи ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ҳар ойлик тақдирлаш пули жорий қилинган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудлардаги бюджет ташкилотлари ишчи ходимлари иш жойини ўзгартирса ёки бюджетдан молиялаштирилмайдиган корхона ёки ташкилотда ишлаб, кейинчалик қайтадан бюджет ташкилотларига ишга қабул қилинса, унинг олдинги иш стажы даври ҳисобга олинмаслиги ҳамда янгидан иш бошлаган ва узлуксиз иш даври ҳисобга олиниши юзасидан эътирозлар билдирилган эди.

Шунингдек, Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидagi Зафаробод посёлкаси бюджет ташкилотлари ва муассасаларида кўп йиллик меҳнати учун ишчиларга ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг (Адлия вазирлигиндан 13.04.2001 йил 1026-сон билан рўйхатга олинган) 3-бандида мазкур ҳудудлардаги бюджет ташкилоти муассасаларида ишловчиларга ҳар ойлик устамаларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қуйидагилар киритилади:

а) Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарларида ва шаҳар типидagi Зафаробод посёлкаси ҳудудида жойлашган бюджет ташкилотлари ва муассасаларида ишлаган даври;

б) ходим ҳақиқатда ишламаган бўлиб, бироқ амалдаги қонунчиликка мувофиқ Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидagi Зафаробод посёлкаси ҳудудида жойлашган бюджет ташкилотлари ва муассасаларида унинг иш жойи сақланган даври.

Мазкур Низомда Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари

ва шаҳар типидagi Зафаробод посёлкаси ҳудудида жойлашган бюджет ташкилоти ёки муассасаси ишчи ходимларининг иш стажы қандай ҳолатларда узлуксиз, деб ҳисобланиши акс эттирилмаган.

Шундан келиб чиқиб, Аксауле Тумишова Молия вазирлигига ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидagi Зафаробод посёлкасининг бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича депутатлик сўрови билан мурожаат қилган.

Натижада Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидagi Зафаробод посёлкасининг бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ойлик тўловлар олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқиш тартибига солиш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги қарори қабул қилинди.

2001 йил 13-апрелдаги 1026-сон билан рўйхатга олинган Низомга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2019 йил 15 августдаги 9-2019/к/қ, 32-сон қарори билан ўзгартиришлар киритилди.

Унга кўра, Низомнинг номи «Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидagi Зафаробод посёлкаси бюджет ташкилотлари ва муассасалари ва ташкилотлари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида», деб янги тахрирда баён этилди.

1-банднинг янги тахрири «Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидagi Зафаробод посёлкаси бюджет муассасалари

ва ташкилотлари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин», деб белгиланмоқда.

1-банд қуйидаги тахрирда баён этилиши белгиланмоқда:

«Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидagi Зафаробод посёлкаси бюджет ташкилотлари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ойлик тўловлар, ходимнинг юқорида келтирилган шаҳарлардаги бюджет ташкилотларида ишлаган иш стажидан келиб чиқиб, қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Иш стажига кўра, Ойлик тўловларнинг миқдори, ойлик тариф ставкасининг ёки лавозим окладининг улушида белгиланади

3 йилгача	0,25
3 йилдан 5 йилгача	0,5
5 йилдан ортқ	0,75

Ўзгартишларга асосан 3-банднинг 1 ва 2-кичи бандлари ҳам янги тахрирда баён этилмоқда. Шунингдек, қуйидаги мазмундаги 31-банд билан тўлдирилмоқда. Яъни, мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотдан Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидagi Зафаробод посёлкасидаги бюджет ташкилотларига ишга кирганда, иш стажы сақланиб қолиши қайд этилади.

Бир қарашда оддий кўринадиган ана шу ўзгариш Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типидagi Зафаробод посёлкасидаги минглаб юртдошларимизнинг ҳақ-ҳуқуқи таъминланишига, даромади яхшиланишига хизмат қилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Молия вазирликлари раҳбариятига ҳамкорликда иш олиб боргани учун ўз миннатдорчилигини билдирамыз, дейди депутат.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.

ДАВЛАТ ПЕНСИЯЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИНИ

бузган масъулларга нисбатан жазо борми?

Конституциямизнинг 39-моддасида «Хар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқига эга», деб белгиланган. Ушбу конституциявий ҳуқуқ фуқароларимизнинг энг муҳим ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларидан бири сифатида давлатимиз томонидан ҳар томонлама қафолатлаб қўйилган.

Лекин сўнгги пайтларда амалиётда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими масъул ходимларининг айби билан ҳам нотўғри пенсия тайинлаш ҳолатлари кузатишмоқда. Бундай ҳолатлар аниқланганда, қўпична пенсиянерлардан ортқча тўланган пулларни қайтариб олиш ҳам учрамоқда. Бу эса ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар учун қўллаб-қўллашчиликларни келтириб чиқармоқда.

Маълумки, Президентимизнинг 2017 йилнинг 12 декабрдаги меҳнат фаолиятини олиб бораётган пенсиянерларнинг алоҳида тоифаларига қўлай шaroитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони қабул қилинган. Бу орқали 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тайинланган пенсия ва нафақалар ҳисобланиши тўғрисидаги текшириш натижасида аниқланган ортқча тўланган пенсия ва нафақаларнинг қолдиқ суммаси — 65 ёшга тўлган ва ундан катта ёшдаги фуқаролардан, шунингдек, 2010 йилгача бўлган даврда тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ортқча тўланган пули қолдиқ суммалари ҳисобдан чиқарилди.

Яна шундай тартиб жорий этилдики, унга мувофиқ пенсиянер Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг ортқча тўланган пенсия суммасини ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарздорлик у аниқланган сандан бошлаб қўпи билан уч йил учун суд орқали ундирилиши белгилаб қўйилди. Шунинг билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги қарори билан Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Ушбу Низомнинг



202-бандида пенсиянер томонидан содир этилган суистеъмолликлар, хусусан, атайлаб нотўғри маълумотлар билан ҳужжатлар тақдим этилиши, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидagi ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар яширилиши, қарсдан нотўғри маълумот кўрсатилиши натижасида унга пенсиялар суммасининг ортқча тўлангани туфайли давлатга етказилган зарарни ундириш мажбуриятини пенсиянерга юкланиши белгиланган.

Аммо қонунчиликда ҳозирда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими масъул ходимининг айби билан нотўғри ҳисоб-китоб натижасида пенсиялар суммаси ортқча тўланган бўлса, етказилган зарарни Пенсия жамғармаси томонидан қопланиши белгиланган. Кейинчалик аксинча талаб (регресс) қўйилган ҳолда ушбу жамғарманинг масъул ходими томонидан қопланиши назарда тутилмаган.

Бугунги кунда масъул ходим томонидан етказилган зарарни қоплаш амалиёти Адлия вазирлиги тизимидаги нотариуслар иш фаолиятида ҳам жорий этилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги қарори билан нотариус томонидан ўз қасб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Унга кўра, зарар давлат томонидан кейинчалик нотариусга қоплаш миқдориди аксинча талаб (регресс) қўйилган ҳолда бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муасса-

саларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланиши белгилаб қўйилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналиши Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг асосий дастурий максадлари ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ХДП фракцияси ҳукуматнинг 2011 йил 8 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 202-бандини учинчи хатбоши билан тўлдириши тақлиф этади.

Яъни, «Агар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими масъул ходимининг айби билан нотўғри ҳисоб-китоб натижасида пенсиянерга пенсиялар суммаси ортқча тўланган бўлса, давлатга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига юклатилади. Кейинчалик етказилган зарар аксинча талаб (регресс) қўйилган ҳолда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими масъул ходимидан ундириб олинади».

Аваз ЎРИНБОВЕВ,
Бунёд ЭШОНҚУЛОВ,
Дилмурод САЪДУЛЛАЕВ,
Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

ГАЗЕТАСИНИНГ

№37-СОНИДАГИ «ТАҲЛИЛ

ВА ТАҚҚОС» РУКНИДАГИ

МАҚОЛАГА МУНОСАБАТ



Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Ўзбекистон демократик тамойиллар асосида ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги босқичига чиқди. 2019 йил ҳаммамиз дунё олдида сиёсий имтиҳондан ўтамыз. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар аҳолиимизнинг сиёсий онги, мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг қай даражада шаклланиганини намойиш этади.

Жамиятда бўладиган ҳар қандай катта тадбирлардан олдин турли фикр билдиришлар, таҳлиллар ўтказилиши одатий ҳол. Лекин ана шундай таҳлиллардаги маълумотлар қанчалик асосли экани сиёсий жараёнда фаол иштирок этувчиларнинг етуқлигидан дарак беради.

Ижтимоий тармоқларда «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати томонидан сиёсий партияларнинг таркиби ҳақидаги инфографика эълон қилинган. Унга асосан Халқ демократик партияси фақат эҳтиёжманд аҳоли вакилларидан (ногиронлар, ишсизлар, нафақадагилар) иборат экани кўрсатилган. Бу маълумотлар қардан олингани партиямизга номаълум.

Ана шу маълумотлар асосида «Миллий тикланиш» газетасининг 2019 йил 25 сентябр № 37-сонидида газета мухбири Раъшан Маҳмудов томонидан катта мақола эълон қилинган. Мақолада республикамиздаги 5 та сиёсий партиянинг таркиби юқорида келтирилган инфографика асосида танқидий таҳлил қилиниб, ўзича хулоса ҳам чиқарилган.

Энг қизиқи, инфографикадаги маълумотларнинг асослилигига муаллифнинг ўзи ҳам шубҳа билдирган. Лекин лоақал телефон орқали сиёсий партияларнинг мутасаддиларидан қўшимча маълумот олишни лозим топмаган. Мақола сарлавҳаси «Тадбиркорлар қатлами ЎзЛиДеПни тарк этаяптими?» деб қўйилганига қарамай, мақоланинг яъни тўртта сиёсий партиянинг таркиби қанчалар ноқоралиги ҳақида бўлса, қолган яъни ЎзМТДПнинг таркибини шакллантиришдаги оламшумул ютуқларга бағишланган.

Хурматли муаллифга ўтказган таҳлиллари учун миннатдорлик билдириб, бир нарсасга эътиборларини қаратишни лозим, деб топдим. Сиёсий партиялар ҳар қандай жамиятда аҳолининг маълум бир ижтимоий қатламнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун тузилади ва ўз дастурларини шу ғоя асосида яратлади. Мақолада келтирилган рақамлар ана шу ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини акс эттиради.

Партия гоёларини қўллаб-қувватловчиларни, хайрихоҳ бўлиб сайловларда партия учун овоз берганларни электорат, деймиз. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз дунёқараши, ҳаётий принципларини партия гоёларига ҳамоҳанг деб топса, унга аъзо бўлиши мумкин. Халқ демократик партияси мустақил Ўзбекистонда ташкил этилган биринчи сиёсий партия сифатида бугун фаолият юритаётган қўллаб-қувватловчи мақтаб бўлган. «Миллий тикланиш» партиясидаги қўллаб-қувватловчи ҳам биринчи сабоқни шу партияда олишган.

2019 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг тасдиқланган таркиби қуйидагича: жами аъзолар сони 475217 нафар, улардан 37-банд 229830 (43,5 фоиз), олий маълумотлилар 198138 (41,7 фоиз) нафарни ташкил этади. Шунингдек, 30 ёшгача бўлганлар 37, нафақадагилар эса 18,4 фоизни ташкил этади. Сафимизда 180 нафар фан доктори, 373 нафар фан номзоди борлиги партиянинг илмий салоҳияти ҳам етарли эканлигидан дарак беради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси иқтисодий ривожланиш орқали ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш йўли билан ҳар бир фуқарога тенг имкониятлар яратиш, жамиятда юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларнинг олдини олиш гоёларини олдинга суради. Бу инсонпарвар гоёларни амалга ошириш учун қатъий кураш олиб боради.

Устозларга эҳтиром

АНЖУМАН

Дунёда устоздек мўътабар зот бўлмаса керак. Биз шоғирдлар улардан нафақат билим, балки, ҳаётий сабоқларни ҳам оламиз. Куни кеча биз таҳсил олаётган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Таржимонлик факультетида ҳам 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан «Таъзим сизга, устозлар!» деб номланган тантанали анжуман бўлиб ўтди.

Аввало, факультет декани Пўлат Омонов анжуман қатнашчиларини байрам билан қизгин табриқлади. Сўнгра талабалар устозларни улуғловчи шеър ва қўшиқлар, табрик сўзларини француз тилида айтишди, саҳна кўринишлари маҳорат билан ижро этилди.

Азиза УБАЙДУЛЛАЕВА

Олий Мажлис қонунчилик палатасида

Инсон кадр-киммати, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳамма нарсадан устун

Парламент юқори палатасида Олий Мажлис Сенатининг Регламент ва одоб комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Йиғилишда Фаргона вилояти ҳокими, сенатор Шухрат Ғаниевнинг ижтимоий тармоқларда тарқалган нутқи салбий эътирозларга сабаб бўлгани муҳокама қилинди.

Аввалроқ Фаргона вилояти ҳокими соқол, рўмол ва иш жойларида намозга қарши чиқиб, бунга буйсунмаганларни қамаш билан таҳдид қилгани ёзилган аудио тарқалган эди. Ушбу фикрлар ижтимоий тармоқларда, турли сайтларда аҳолининг эътирози сабаб бўлди. Комиссия аъзолари томонидан Шухрат Ғаниевнинг ушбу хатти-ҳаракати кескин танқид қилиниб, қораланди. Катъий чора кўриш сўралди.

— Халқимизда ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, деган нақл бор. Фаргона вилояти ҳокими, сенатор Ш.Ғаниев маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказадиган, шаъни ва кадр-кимматини камситадиган иборалардан фойдаланганлиги ижтимоий тармоқларда кенг тарқалиб, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда, — деди сенатор Мақсуда Варисова. — Буни сенатор сифатида қаттиқ қоралайман. Ахир, гап рўмол ҳақида кетса, оналаримиз, мунис аёлларимиз, қизларимиз, келинларимиз доим рўмол боғлаб юришган. Инсон кадр-киммати, ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётган шундай замонда бу фикрларни оқлаб бўлмайди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида депутат, сенатор одоб қоидаларига қатъий риоя этиши лозимлиги белгиланган.

Шу билан бирга Сенатнинг 2017 йил 28 мартдаги тегишли қарори билан тасдиқланган Сенат аъзоларининг одоби қоидаларига кўра сенатор ўз фаолиятида жамиятда умумий қабул қилинган ахлоқ-одоб принципларига қатъий риоя этиши, фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари, шаъни, кадр-кимматини ёки ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши, шунингдек, сенатор номига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиш керак.

— Бу фикрлар мени аёл сифатида ларзага солди, — деди сенатор Гаҳвар Алимова. — Бугунги кунда мамлакатимизда миллий қадриятларимизни асраш, урф-одатларимизни, анъаналаримизни сақлаш ва ривожлантириш, ёш авлодга етказиш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Бунга мисол сифатида Кўкон шаҳрида ўтказилган Халқаро хонарамандчилик фестивалини айтиш мумкин. Шунда опа-сингилларимиз чиройли миллий либосларда, қадриятларимизни олиб чиққани қанчалик ҳузур бағишлайди. Хотин-қизларга қаратилаётган эътибор эса ҳар дамгидан қучли. Шундай пайтда ушбу фикрларни билдирган сенаторимизнинг хатти-ҳаракатини умуман оқламайман.

Фаргона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев бунга қўйидагича изоҳ берди:

— Бугунги даврда инсон кадр-киммати, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳамма нарсадан устун. Ижтимоий тармоқларда тўғри муҳокама бўлган, айбимни тан оламан. Ота-онам, опа-сингилларим, фарзандларим ҳам миллий либосда кийинади. Мен ҳам уйда миллий либосда юраман. Ўша мақсадда қулоққондан чиқиб кетганман. Имконият берсангиз, хулоса чиқариб, меҳнат қиламан.

Сенат комиссияси йиғилишида Фаргона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниевга қатъий огохлантириш ва 3 ой синов муддати берилди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.

Вазирлар маҳкамаси фаолияти, ваколат доираларини белгиловчи қонун қабул қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2019 йил 30 сентябрь кuni ўтказилган навбатдаги мажлисида депутатлар мамлакат иқтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада яхшилашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Хусусан, депутатлар ишни «Маданий ифодаларнинг турли хил шаклларини муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 20 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишдан бошладилар.

Таъкидланганидек, ҳозирги пайтда 145 мамлакат томонидан ратификация қилинган мазкур Конвенциянинг асосий мақсади маданий ўзлигини намойиш қилишнинг турли хил шаклларини сақлаш ва рағбатлантириш, ушбу соҳада халқаро ҳамкорлик, ҳамфикрликни мустаҳкамлаш асосида турфа маданиятларнинг эркин мулоқоти учун зарур шароитларни яратишдан иборатдир. Айни пайтда юртимизда ушбу Конвенциянинг асосий қоидаларига ҳар томонлама мос келадиган ишлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Анъанавий «Шарқ тароналари» мусикий фестивали, Мақом санъати халқаро форуми, Халқаро бахшчилик санъати фестивали каби халқаро аҳамиятга эга молик тадбирлар шулар жумласидандир.

Ушбу Конвенциянинг ратификация қилиниши халқимизнинг узоқ ўтмишга эга азалий маданиятини асраб-авайлаш, янада кенг миқёсда тарғиб этиш ва ривослантириш имкониятини кенгайтиришга қўмаклашади.

Мажлисида «Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси ҳам баҳсларга бой бўлди.

Қайд этилганидек, қатор хорижий мамлакатларнинг жиноятчиликка доир қонун ҳужжатларини ўрганиш маиллакатда бўлиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик йўқлигини кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасини декриминализация қилиш зуруратини келтириб чиқармоқда. Шунингдек, миллий қонунчилигимиз таҳлили ва Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар статистикаси республикамиз фуқаролари, чет эл фуқаролари ҳамда фуқароллиги бўлмаган шахсларга маъмурий жавобгарлик чораларини дифференциация қилишни тақозо этапти.

Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига Ўзбекистонда бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлигини либераллаштиришга қаратилган тегишли ўзгаришлар киритилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, мазкур

қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ваколатли давлат органлари томонидан мазкур тоифадаги ишларнинг тезкор кўриб чиқирилишини таъминлашга, шунингдек, мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилган ислохотларни тўла-тўқис юритилишига ҳуқуқий кафолат яратади.

Мажлисида янги тахирдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси қизгин кечди.

Лойиҳада Ҳукуматнинг очик, шаффоф фаолият юритиши, унинг ваколатлари аниқ соҳа ва йўналишлар бўйича белгилаб берилмоқда. Бош вазир томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат бошқаруви ҳудудий органлари раҳбарлари, нодавлат нотихорат ташкилотлари вакиллари иштирокида ҳудудларда Ҳукуматнинг маззули сайёр мажлислари ўтказилиши назарда тутилган. Шунингдек, Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Бош вазир маслаҳатчилари, вазирлар, давлат қўмиталари раисларининг ваколатлари ҳамда жавобгарлиги белгилаб берилмоқда.

Эндиликда Ҳукуматнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари келиб тушган мурожаатлари билан ишлаш мониторингини олиб бориш ҳамда таҳлилий юритиш ҳам қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Бундан ташқари, лойиҳада Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва унинг мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиниши мумкинлигига доир қонун нормаларида аниқ белгилаб берилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, лойиҳада бу каби янги нормаларнинг акс эттирилиши ҳокимият тармоқларини бўлиниш ва бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш принципларига мувофиқ, Ҳукуматнинг ўз фаолиятини қонуний, шаффоф, демократик руҳда амалга оширишини таъминлашга ёрдам беради. Бир пайтнинг ўзига Ҳукуматнинг очик ва шаффоф фаолият юритиши, ижро этувчи ҳокимият фаолиятига самарали раҳбарлиқни амалга ошириш, инсон ҳуқуқ-эркинликлари муҳофазаси ҳамда халқ манфаати устуворлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишида мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Кун тартибидagi навбатдаги масала — ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўлди. Президентнинг 2019 йил 28 мартдаги фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур лойиҳага кўра, ветеринария ва чорвачилик соҳасининг бошқарув тизими такомиллашгани муносабати билан унинг асосий вазифалари ва функциялари доираси кенгайтирилмоқда.

Парламент аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши республикада наслчилик-селекция ишларини юритишнинг илмий асосланган инновацион услубларини жорий этиш, сермахсул ва наслдор молларни етиштириш, кўпайтириш ва сунъий урчишти ишларини тизимли ташкил этиш, чорва молларининг наслини яхшилашга хизмат қилишни таъкидладилар.

Шундан сўнг депутатлар «Олий даражали «Дўстлик» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, лойиҳада Олий даражали «Дўстлик» ордени билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар қардош халқлар ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва қўшимчалар муносабатларини мустаҳкамлаш, халқлар яқдиллигига эришишдаги алоҳида хизматлари, ҳар томонлама стратегик шериклиқни ривожлантиришдаги сермахсул фаолияти, минтақалараро қелишувга эришиш, шунингдек, халқлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашдаги фаол иштироки учун мукофотланиши белгиланмоқда.

Қизгин баҳс-мунозара келтириб чиқарган навбатдаги масала — «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасининг мақсади энергетика тармоқларида ҳосил қилинаётган электр, иссиқлик энергияси, ёқилги ва бошқа ноанъанавий энергия ресурсларидан иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳада янада оқилона фойдаланиш, энергия ресурслари истеъмолчининг самарадорлигини ва замонавий тежамкор технологияларни жорий этиш хизматларини кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Парламент вакилларининг фикрича, ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши энергия ресурслари ҳаракатларини оптималлаштириш, энергия ресурслари истеъмолчининг самарадорлигини тизимли мониторинг қилиш, истеъмолдаги энергия ресурслари ҳажмини камайтириб, тежаш, мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни мустаҳкамлаш, бюджетта тушумлари кўпайтириш ҳамда аҳолининг реал даромадларини оширишга хизмат қилади.

Мажлис кун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривослантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Лойиҳа билан алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг таълим, спорт ва диний муассасалардан тўғри чиқиқ

бўйича икки юз метрдан ортиқ радиусда жойлашган савдо объектларида, шунингдек, умумий савдо майдонининг квадрат метрдан ортиқ бўлган савдо мажмуалари (бозорлар), ярмарка павильонларида реализация қилишни тақиқлаш белгиланмоқда.

Бундан ташқари, республика ҳудудига алкоголь маҳсулотларини полизтилен, полистирол ва бошқа полимер материаллардан тайёрланган полимер истеъмол идишларида олиб киришга тақиқ ва жавобгарлиқни ўрнатилиш (пиво ва вино маҳсулотлари бундан мустасно) кўзда тутилган.

Амалгаётдан маълумки, бирор бир корхона, тадбиркорлик субъектини ташкил қилиб, очншдан кўра, уни тугатиб, ёпиш анча мушкул, қийин иш. Айни шу сабабли ҳам қўллаб тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмай, муайян фирмани давлат рўйхатидан ўтказмай фаолият юритишни афзал билади. Аслида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш жараёнларининг тартиб-таомилларини ҳам янада соддалаштириш, шаффофлигини ошириш орқали корпорция билан боғлиқ омилларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Шу маънода, депутатларнинг «Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан баҳс-мунозараси қизгин тус олганини тушуниш мумкин.

Лойиҳа билан тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартибига солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган деб ҳисоблаш учун асос бўладиган муддат тўққиз ойни ташкил этиши, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналар давлат солиқ хизмати органининг тақдимномасига асосан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан Тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестридан ўз йил муддатга ҳаракатсиз режимга ўтказилиши белгиланмоқда. Ҳаракатсиз режимга ўтказилган корхоналар фаолияти ўч йил давомида тикланмаган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган уларни тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестридан чиқаради. Шундан келиб чиқиб, тегишли қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Депутатларнинг қайд этилишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларини фаолиятини тугатиш жараёнларининг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, очиклик ва шаффофлигини оширишни таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Мажлисида депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Матбуот хизмати.

Давра суҳбати

Ҳар бир иллатга қарши биргаликда курашамиз

Инсон дунёга келибдики, эркин ва бахтли умр кечирish учун интилади, курашади. Лекин бахт аввало саломатлигимизга боғлиқлигини ҳар доим ҳам ўйламаймиз. Касалликка чалинмасдан соғлигимиз ҳақида қайғурмаймиз, дарднинг олдини олиш чораларини кўрмаймиз. Айниқса, яқин қариндоши билан қуда-анда тутинганлар фарзандлари бахтини ўйламайяпти, бўлажак набиралари тақдирига қайғуришмапти. Бунинг оқибатида афсусланиб, қолаётганлар оз эмас. Шунга қарамасдан қариндошлар ўртасидаги никоҳлар сони камаймаяпти.

Ўзбекистон ХДП Тошкент туман кенгаши ташаббуси билан 2-назорати кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси тиббиёт ходимлари билан ўтказилган давра суҳбатиде соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, жисмоний фаолиятини ошириш, тўғри овқатланиш каби масалалар кенг муҳокама қилинди. Қарор оғир касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг оқибати эканига алоҳида эътибор қаратишди.

Таъкидланганики, инсон организмиде турли ирсий касалликлар авлоддан авлода кўчиб юради. Танадаги рецессив генлар, яъни фаол бўлмаган генлар бир неча авлодда ўзини ошкор қилмаслиги мумкин. Бироқ қариндошлар оила қурганда, иккита фаол бўлмаган ген бирлашиб, битта фаол касаллиқни келтириб чиқариш хавфи юқори бўлади. Қўп ҳолларда касаллик яширин кўринишда бўлиб, қизлардаги гормонал ўзгаришлар вақтида ўзини ошкор қилади. Айниқса, руҳий хасталиқнинг енгил турлари сўнгги тақдирда кўп кузатилмоқда. Бунинг олдини олишда эса ҳамма бирдек масъулиятни хис қилиши ва ўз боласини ана шундай хавфдан асраши лозим.

Давра суҳбатиде атрофчиқа муҳокама қилинган яна бир мавзу — одам савдосига қарши курашиш муаммоси ва унинг ечимлари бўлди. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилган бундан дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб келмоқда. Мазкур жиноятга қарши курашиш халқари миқёсда олиб берилмоқда. Бироқ уни йўқ қилишга эришилганича йўқ.

Одам савдоси гирдобига тушиб қолаётганларнинг ақсариёти аёллар ва воёга етмаганлар экани кўп таъкидланганича қарамай, хотин-қизлар бу муаммага эътиборсизлик қилмоқда, — деди ҳал депутатлари Тошкент туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси А.Махидов. — Сиз билан бизнинг вазифамиз уларни оғох қилиш, хушёрликка, сергалликка қақириндан иборат. Бунда маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, партияимизнинг фахрий аъзолари кучи ва имкониятларидан кенг фойдаланишимиз зарур. Шунингдек, соҳада қабул қилинган халқаро ҳужжатлар, миллий қонунчилик ижроси долзарб аҳамиятга эга эканини ҳаммаша ёдда тутишимиз лозим. Акс ҳолда одамларнинг онгига, юрагига етиб бориш қийин. Хусусан, бу борада 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Унда одам савдосига қарши курашиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш белгиланган. Асосийси, қонун ушбу иллат домига тушиб, ундан жабрланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажариб келмоқда. Биз келгусида одам савдоси жабрдилларининг сонини камайтириш юзасидан кенг қўламли тушунтириш-тарғибот ишларини олиб борамиз. Бунинг учун фақат кичик давра суҳбатларида ўтириб, нутқ сўзлаш усулидан воз кечшимиз шарт.

Йиғилишда вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Н.Абдуллаев иштирок этиб, йиғилиш кун тартибидagi масала юзасидан фикр-мулоҳазаларни билдирди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон воёзи» мухбири.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTION SAYDO» МЧК АХБОРОТИ «Ўзбекистон овози» газетасининг 2019 йил 7 майдаги 36-37-сонли нашрида аукцион савдопарига қўйилган «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК ТШТ филиали балансидаги д/р 01/783FFA бўлган «САРТИВ» русумли автотранспорт воситаси ушбу ташкилотнинг 2019 йил 25 сентябрдаги Н1-01-08-3521-сонли хатига асосан аукцион савдопаридан олинганини маълум қилмади.

Тувохнома № 005357

«АНОР» — ХАЛҚАРО АГРОТУРИЗМ ФЕСТИВАЛИ

илк бор Китоб туманининг Варганза қишлоғида бўлиб ўтди

ТАДБИР

Шу йилнинг 27-30 сентябрь кунлари бўлиб ўтган биринчи агротуризм анжуманига Италия, Россия, Польша, Чехия, Туркия, Франция каби унлаб давлатлардан меҳмонлар ташриф бууришди. Улар дастлаб Шахрисабз шаҳрида ташкил этилган «Invest in Kashkadaguy» форумида катнашиб, Кешнинг сўлим хийобонлари, осори-атиқаларини томоша қилишди. Кейин тадбирлар Китоб туманига кўчди.

Китоб — воҳадаги богдорчилик, поллиз маҳсулотларини етиштириб беришга ихтисослаштирилган туманлардан биридир. Қайнарнинг сояки майизи, тоғ бағрида жойлашган Сумак қишлоғининг нашватиси, шивиргони, ҳусайни, сапириви, тақвери, изабелла каби тотли узумлари ниҳоятда машҳур.

Китоб шаҳарчаси чорраҳасида каттакон анорнинг кесилган палласи тасвири тошдан ишланган майдонча бор. Бу анор эндиликда Китоб туманининг рамзига айланган. Умуман туманда анорзорлар жуда кўп. Бироқ янада кўпроқ — 1000 гектар шундай майдон Ҳисор ва Зарафшон тоғлари қўрғондаги ўраб олган Варганза қишлоғида ястаниб ётибди.

Халқаро анжуман иштирокчилари тоғ бағридаги шу қишлоқларда ҳам бўлишди. Улар қорли чўққилардан ҳовучида сув олиб келаятган ирмоқларни, илдираги орасидан милтираб чиқаятган зилол чашма сувларини

нию опти-етти асрлик чинорларни кўрганларида ҳайратларини яшра олишмади.

Хорижлик сайёҳлар бу масканлардан ўтган не-не азиз авлиёлар, тарихимизда юм қолдирган бош зотлар қабрларини зиёрат қилдилар. Ўша даврлардан бери ҳосил бераётган писта дарахтларини ҳайрат ва қизиқиш билан томоша қилдилар, она табият неъматларидан баҳраманд бўлдилар.

Зиёратчиларни варганзаликлар иззат-ҳурмат билан қутиб олдилар. Варганза 16 та майда қишлоқдан иборат маскан. Ҳозир 4 та маҳалла қамровида. Меҳмонлар — Варганза МФЙ раиси Зиёдулла Мирзаев, маҳалла фаоллари — Файзулла Қодиров, Миргани Ражабов, Жума Ҳўжакулов, Рузиқул Ҳайитов, богбон-тадбиркорлардан — Ҳусниддин Мирзаев, Исмоил Ҳасанов, Ҳақимжон Мирзаев, Ҳафиз Зокиров, Тоҳир ҳожи Охунов, Турдиали Қодиров, Абдуманнон Жалиловлар меҳмонларни хуш келибсиз, деб меҳр-мурувват билан қарши олдилар.

Чет эллик сайёҳлар варганзалик чеварлар Муаттар Ортиқова, София Баратова, Чинни Бокьева ва бошқаларнинг санъат асари билан бўйлашадиган дўппи, кашта, нимча ва бошқа буюмларини зўр қизиқиш билан кўздан кечирдилар.

Сўлим кузнинг оромбахш ҳаволарида анорзорлари мавж уриб турган «Меҳрож-Миршод Баратович» фермер ҳужалиги ший-

пони ва олдидаги катта сайхонликда кўрғазма, дала сахналари қурилган эди. Туман маданият бўлими қошидаги «Ризвонгул» ансамбли анжуман қатнашчиларига ўз ижроларида қувноқ куй ва қўшиқларни тақдим этди.

Меҳмонлар, шунингдек, қишлоқ таомларидан ҳам татиб кўрдилар.

Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиев қишлоқ аҳли билан суҳбатлашиб, муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг богбонлар, тадбиркорларга яратиб бераётган имкониятлар ҳақида гапириб, Варганза қишлоғини — мамлакатимизда биринчи «Агротуристтик қишлоқ», деб эълон қилди. Китоб тумани ҳокими Рустам Сағдуллаев Варганза МФЙ раиси Зиёдулла Мирзаевга унинг рамзий қалитини топишди.

Шу кун анжуман ҳосил байрами, сайлга айланиб кетди. Эртаси кунни хорижлик сайёҳлар туманининг Қайнар қишлоғи адирлари бағридаги «Наврўз» сайилгоҳида ўтказилган кўпқар, кураш каби халқона беллашувлардан ҳам баҳраманд бўлишди.

Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ,
«Мўъжасивий дунё»
газетаси муҳаррири,

Юнус УЗОҚОВ
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Йил якунига қадар 6,5 миллиондан ортиқ хорижий сайёҳ ташриф буюриши кутилмоқда. Бу ўтган йилга нисбатан 15 фоиз кўпдир.

Ўтган 8 ой давомида 4,3 миллиондан ортиқ хорижлик сайёҳга

854,5 миллион долларлик туризм хизматлари кўрсатилган

ТУРИЗМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг раҳбарияти ва масъул ходимлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда туризмни ривожлантиришда Президент фармон ва қарорларининг ижроси хусусида маълумот берилди.

— Республикада туризм соҳасини янада ошириш, хорижий сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш бора-бора бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди **Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Абдулазиз Аккулов**. — Хусусан, мамлакатимизда илк бор Ўзбекистонда 2019-2025 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Унда 2025 йилга қадар соҳа ривожининг асосий йўналишлари, мақсадли кўрсаткичлари белгиланди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида юртимизга жорий йилнинг ўтган 8 ойида 4,3 миллиондан ортиқ хорижлик сайёҳ ташриф буюрди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 26,7 фоиз кўпдир.

Сайёҳларга 854,5 миллион долларлик туризм хизматлари кўрсатилди. Ўтган йилга қиёслаганда туризм хизматлари экспорти 28 фоиз ўсди. Ўтган давр мобайнида соҳага оид қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Виза режими тубдан ислоҳ қилиниб, содда-лаштирилди. Қўшимча тарзда яна 47 мамлакат фуқаролари учун визасиз режим татбиқ этилди. Бугунги кунда электрон виза олиш имконига эга мамлакатлар 77 тани ташкил этмоқда. Икки ва кўп маротабали электрон виза бериш тизими жорий этилди. Ушбу қўрилган чоралар натижасида жорий йилнинг 8 ойида виза режими бекор бўлган мамлакатлардан ташриф буюрувчи туристлар сони ўртача 56 фоизга ўсди.

Бундан ташқари, туризм тармоғига маблағларни кенг жалб қилиш мақсадида инвесторларнинг меҳмонхона қурилиши учун сарфлаган маблағларини Давлат бюджетидан қоплаш бўйича Низом тасдиқланди. Субсидия ажратиш жараёни шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлаш мақсадида эса меҳмонхоналарнинг сертифицикация жараёнига «KPMG Audit» ва «Ernst Young» каби нуфузли халқаро компаниялар жалб этилган. Дастлабки субсидия жорий йилнинг октябрь ойида ушбу халқаро компаниялар иштирокида тоифа олган 6 меҳмонхонага ажратилиши кутилмоқда. Уч юлдузли меҳмонхоналарнинг ҳар бири хонаси учун 40 миллион сўм, тўрт юлдузли меҳмонхоналар учун 65 миллион сўм миқдорида маблағ давлат бюджетидан қопланади.

Ўтган давр мобайнида соҳага оид қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Виза режими тубдан ислоҳ қилиниб, содда-лаштирилди. Қўшимча тарзда яна 47 мамлакат фуқаролари учун визасиз режим татбиқ этилди. Бугунги кунда электрон виза олиш имконига эга мамлакатлар 77 тани ташкил этмоқда. Икки ва кўп маротабали электрон виза бериш тизими жорий этилди. Ушбу қўрилган чоралар натижасида жорий йилнинг 8 ойида виза режими бекор бўлган мамлакатлардан ташриф буюрувчи туристлар сони ўртача 56 фоизга ўсди.

инновацион лойиҳаларини грантлар асосида молиялаштириш, хорижий компанияларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кино лойиҳалари бўйича харажатларнинг маълум қисми Давлат бюджети ҳисобидан



Ўтган давр мобайнида соҳага оид қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Виза режими тубдан ислоҳ қилиниб, содда-лаштирилди. Қўшимча тарзда яна 47 мамлакат фуқаролари учун визасиз режим татбиқ этилди. Бугунги кунда электрон виза олиш имконига эга мамлакатлар 77 тани ташкил этмоқда. Икки ва кўп маротабали электрон виза бериш тизими жорий этилди. Ушбу қўрилган чоралар натижасида жорий йилнинг 8 ойида виза режими бекор бўлган мамлакатлардан ташриф буюрувчи туристлар сони ўртача 56 фоизга ўсди.

ҳалласи», «туризм овули» мақомини бериш ишлари ҳам давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз туризм салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўраётган. Бу эса иқтисодиётимиз юқалиши, халқимиз туришми фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Анжуман давомида кўпгина ижтимоий тармоқларда Регистрон майдонида, шунга ўхшаган муқаддас саналадиган жойларда байрам дастурлари ўтказилиши ҳақида эътирозлар билдирилгани ва бунга қўмита қандай қараши ҳақида фикр сўралди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи **Абдулазиз Аккулов** қўйидагича жавоб қилди:

— Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам фақатгина зиёратгоҳ эмас, омма учун очик жой. Бундай ҳудудларга даромад манбаи сифатида қаралади, уларни максимал даражада монетизация қилиш биз учун муҳим. Лекин диний томондан муқаддас ҳисобланган нуқталарда муайян қои-

даларга риоя этилиши зарур. Бу жиҳатлар ишлаб чиқилаётган низомда қайд этилади, албатта.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг зиёрат туризми бўйича масъул вакили Саидкомил Холхўжаев:

— Табиийки, мамлакатимизга фақат мусулмон динига эмас, балки бошқа динга эътиқод қиладиган сайёҳлар ҳам келади. Шу боис туристларнинг ҳозирги кунда ҳам диний анъаналар амалга оширилаётган биноларда баъзида ноодатий ҳаракатлар қилишлари бўйича мурожаатлар келиб тушмоқда.

Дин ишлари бўйича қўмита, Мусулмонлар идораси билан ҳамкорликда нафақат Ислон, балки бошқа диний муассасаларга ҳам сайёҳларнинг кириб-чиқиши, уст-боши, ўзини тутиши билан боғлиқ қатъий тартиблар ишлаб чиқилмоқда. Бу тартиб тегишли биноларнинг барчасига тақдим қилинади. Туристик компанияларга ҳам етказилади. Индивидуал тарзда келаётган сайёҳлар ҳам бундай тартиб-қоида билан таништирилади.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси маслаҳатчиси Бехруз Ҳамзаев:

— Хивадаги минора фониде видео тасвирига олинган блогер қизнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳақида ҳам эътирозли фикрлар билдирилди. Бу ҳақда шунинг таъкидлаш жойизки, ўша қиз ўз блоги орқали соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилган, шунинг учун ҳам шунақа видео олинган. У тушган видео йоға тарғиботи. Очик кийим эмас, спорт нуқтаи назаридан талаб этилган эластик кийимда бўлган. У турган жой диний характерга эга бўлган бино эмас. Унга ҳар бир жойга борганда нималарга эътибор бериши кераклиги ҳақида маълумот берилган. Талаб этилган жойда керак бўлса, рўмол ҳам ўраган.

Ўзбекистон фақатгина кекса авлод вакиллари, яъни бувижон ва бобожонлар саёҳатга келаётган мамлакат эмас. Бу ерга ёшлар, замонавий одамлар ҳам келади. Келган блогерлар ноқўя тасвирларни тарқатишдан ҳолларда алоқага чиқиб, тушунтириб, суратларни олдиришганимиз. Биз ҳам бунга эътибор берамиз. Лекин юртимизга келаётган ҳар битта туристга бағрикенглик билан муносабатда бўлишимиз лозим. Яна шунинг қўшимча қилиб айтмоқчи эдим. Бу блогер қиз Австралиядан келган бўлиб, унинг ижтимоий тармоқлардаги обуначиси 6 мингдан кўпроқни ташкил этади. Қолаверса, ушбу давлат аҳолиси жуда бой ҳисобланиб, улар кўпинча бошқа давлатларга саёҳат қилишни хўш кўришган. Ушбу блогер қиз тасвирини қўради қанчаллаб ёшлар Ўзбекистонга саёҳат қилишни режалаштираётган бўлишлари мумкин.

Тоштемир Худойқулов,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АЧЧИҚ САБОҚ

Бола отасиз қолса...

Сайёр қабуллардан бирида 50 ёшли аёл «болам отасиз ўсган, энди унинг болалари ҳам отасиз ўсадики?», — деб йиғлаб юборди.

Юзларига эрта ажин тушган, набиралари тақдирини ўйлаб изтироб чекаётган онанинг тушунтиришича, турмуш ўртоғидан ажрашган, бошқа оила қурмаган. Бир нафар ўғил фарзандни оқ ювиб, оқ тараб қатта қилиб, уйлантирган. Ўғли ва келини 3 нафар фарзандлик бўлишган: қатта набираси мактабнинг 8-синфда, ўртанчаси-6, кичиги 4-синфда ўқийди.

2016 йилда келини ҳеч кимнинг гапига кирмасдан чет давлатга ишга кетган ва икки йил ўтиб, кимдандир ҳомиладор бўлиб қайтган, эгизак фарзандли бўлган.

Она ўғлига насиҳат қилганлигини, уч нафар набирасини ўйлаб келинини уйига киритганлигини, келини эса бугун эрини уйдан ҳайдаётганлигини, бошқа бировга бериб қўйган эгизак фарзандларини уйга олиб келмоқчи эканлигини, ўғли эса бунга норозилигини, қўзида ёш билан айтди.

Сўхбатдан маълум бўлишича, ўғли, ювощ йигит. Хотини чет давлатга ишга кетаман, деганида ҳам қаршилиқ кўрсата олмаган. Унга гапини ўтказа олмаган.

Мазкур оила фожиясининг сабабларини қардан қидириш лозим? Оиланинг бундай таназулга йўл тутишига ким айбдор?

Сабаб, оила бошлиғи бўлмиш — эрининг отасиз ўсганлиги, оиладаги ўз ўрни намадан иборат эканлигини билмаганлиги эмасми?

...Сайёр қабулда 37 ёшли аёл эри чет давлатга ишга кетиб, 7 йил деганда қайтиб келганлигини ва уни хибнатда айблаб, икки боласи билан уйдан чиқариб юборганлигини, оиласи барбод бўлганлигини айтиб, уй-жой билан таъминлашда ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Ушбу оиланинг барбод бўлиши сабаби нимада, ким айбдор? Асосий айбдор — аввало хотинини узоқ вақт тақдир измига ташлаб, четга кетган эр эмасми?

Оиласи барбод бўлиб, фарзандлари тирик етим бўлиб қолди. Энди у четда ишлаб топган пулининг кимга кераги бор? Кузатишларимдан маълумки, ота-оналар орасида фарзандларини уйли-жойли қилай деган ташвиш билан четга ишлаш учун кетаётганлар, афсуски, бир муҳим масалани ўйлашмаяпти. Фарзандларига уларнинг пули эмас, меҳри ва тарбияси керак.

Оқибатда эса, баалоғатга етган қиз ёки ўғилнинг тарбияси издан чиқиб кетмоқдаки, уни четда ишлаб ортириб келинган пул билан ўрнига келтириб бўлмайди. Айни тарбия берадиган, ўзи ўрناк бўладиган пайтда ота-онанинг узоқ вақт боладан айро яшаб, уни назоратсиз қолдираётганлигини, ёки айримлар боламини узоқдан туриб ҳам назорат қилиб тура олмаган, деб ўйлашни бирон-бир нараси билан оқлаб бўлмайди.

Нима, биз ота-оналар боламизга аввало меҳр кераклигини унутиб қўйдикми? Нега, боламизга бундай муносабатда бўлишимиз, унда бизга нисбатан ишончсизлик, меҳрсизлиқни келтириб чиқаришини, у ўзидан катталарнинг тўғри гапини ҳам олмайдиган, ўзилармон шахс бўлиб вояга етиши ёки болалик даврининг ўзида жиноятчилик қўчасига кириб кетиши мумкинлигини ўйлаб кўрмаймизми?

Эҳуд, айрим ёшларимизнинг четга расмий ёки норасмий ишлаш учун бориб, турли беда-во касалликларга чалиниб қайтиб, турмуш ўртоғига ҳам касаллик юқтириб, бутун бир оиланинг фарзандларининг умиди, келажагини барбод қилаётгани ёки фалокат сабаб майиб-мажруҳ бўлиб қайтаётгани бошқаларга сабоқ бўлиши лозим эмасми?

Ҳамма нарасида тошу-тарозу бор, деганларидек, осон ва тез пул топиш орзусида четга чиқиб ишлаб келишни ният қилаётганлар, оила бутлиги энг асосий масала эканлигини, оилада фарзанд тарбиясида йўқотилган вақт ёки ўзаро ишонч ва меҳр-оқибатни пулга сотиб олиб бўлмаслигини, ҳеч ким оиласидан ташқарида бахтли бўла олмаслигини бир бор ўйлаб, қўриши керак. Вақтида ҳулоса чиқарилса, қўллаб муаммоларнинг олди олинарди, афсус-надомат чекишга ўрин қолмасди ва алал-оқибат оилалар барбод бўлишининг олди олинган бўларди.

Х.ЁДГОРОВ,
Олий суд раиси ўринбосари.

ХУШХАБАР

ҒОЛИБ СПОРТЧИЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ



Бугун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонлиги томонидан Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, Ўзбекистон тарма жамоасининг умумжамоа ҳисобида ғолибликни қўлга киритишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган боксчилар — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари Баҳодир Жалолов ва Бобо-Усмон Батулов ҳамда бир қатор халқаро мусобақалар ғолиби Муроджон Ахмадалиев ва Қозоғистон Республикасининг Нур-султон шаҳрида бўлиб ўтган юнор-рум кураши бўйича жаҳон саралаш мусобақасида «Токио-2020» олимпиадаси йўналимасига эга бўлган Элмурат Тасмуродовларга навбатдаги ҳарбий унвон ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, спортчиларни нуфузли мусобақаларга тайёрлашда жонбозлик кўрсатиб келаётган мураббий, Миллий гвардия ИХтисослаштирилган ўқув маркази катта ўқитувчиси Элшод Расулов ҳам қўмондонлигининг эсдалик совғаси билан тақдирланди.

Нафосат ЗАҒАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Матбуот хизмати етакчи мутахассиси.

ЭЪЛОН

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2019 йил 31 октябрь кунини бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидеги очик аукцион савдоларини ўтказиш

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Кичик халқа йўли қўчаси, 2-уйда жойлашган «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ЎЗМОБАЙЛ» филиали балансидаги 1995 й. и.ч. д/р 01/290PFA, бошлангич нархи 6 873 000 сўм бўлган «FIAT TEMPRA»; 1998 й. и.ч. д/р 01/184PBA, бошлангич нархи 25 129 000 сўм бўлган «KIA SPORTAGE»; 2004 й. и.ч. д/р 01/453JCA, бошлангич нархи 13 112 000 сўм бўлган «DAMAS»; 2003 й. и.ч. д/р 01/766DCA, бошлангич нархи 17 304 000 сўм бўлган «MATI3»; 2004 й. и.ч. д/р 01/362JCA, бошлангич нархи 22 016 000 сўм бўлган «MATIZ DLX» русумли; Тошкент ш., Юнусовод тумани, Кичик халқа йўли қўчаси, 2«А»-уйда жойлашган, «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК ТШТТ филиали балансидаги 2011 й. и.ч. д/р 01/783FFA, бошлангич нархи 113 061 852,80 сўм бўлган «CAPTIVA»; 2008 й. и.ч. д/р 01/069ECA, бошлангич нархи 30 502 000 сўм бўлган «MA3555102-220»; 199 й. и.ч. д/р 01/168NBA, бошлангич нархи 16 220 000 сўм бўлган «UA3-3903»; 1985 й. и.ч. д/р 01/558UCA, бошлангич нархи 12 213 000 сўм бўлган «GA3-5201»; 1979 й. и.ч. д/р 01/713HBA, бошлангич нархи 25 800 000 сўм бўлган «GA3-53A»; 1993 й. и.ч. д/р 01/738HBA, бошлангич нархи 13 736 000 сўм бўлган «LABO»; 1998 й. и.ч. д/р 01/816HBA, бошлангич нархи 26 130 000 сўм бўлган «GA3-2705»; 1988 й. и.ч. д/р 01/843GBA, бошлангич нархи 9 869 000 сўм бўлган «GA3-5227» русумли автотранспорт воситалари ҳамда Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Мустақиллик қўчаси, 107-уйда жойлашган, тутатилган «ELIS-KLIRING» МЧЖ балансидаги қўйидаги асосий воситалар қўйилади:

Талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кўнларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг қамиди 20 фоизни миқдоридеги закатал пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади. Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотиш шартномасини имзолаш, тўланган закатал пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тўлуғунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо куниде сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион

№	Номи	Бошлангич нархи	№	Номи	Бошлангич нархи	№	Номи	Бошлангич нархи
1	компьютер (сервер)	3 762 466,20	6	Иш столи, ясиш бурчакли	892 800,00	11	Шкаф МК 5	504 000,00
2	компьютер Pentium 4	445 500,00	7	Сейфлар 2 дона	1 033 200,00	12	Шкаф МК 5 (сейф)	516 600,00
3	компьютер Pentium 4	243 000,00	8	Шкаф АСТ 808 (сейф)	516 600,00	13	Шкаф МК 5 (сейф)	516 600,00
4	Принтер CANON LBP2900B A4	1 162 350,00	9	Шкаф АСТ 808 (сейф)	516 600,00	14	Офис шкафи	463 877,10
5	Иш столи, тўғри бурчакли	201 600,00	10	Темпр шкаф 3 дона	1 512 000,00	15	Кийим шкафи	386 190,00

савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу объектларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да

бошланади ва қўйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ қўчаси, 14-уй, 8-хона. Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (95) 144-23-41; электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

Табрик ва эълонлар



СЕРГЕЛИ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

*барча илм-маърифат фидойиларини
Ўқитувчи ва мураббийлар кунини
билан самимий муборакбод этади!*

Сиз, азизларга машаққатли, аммо шарафли меҳнатингизда омад
ҳамиша ёр бўлсин.

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН,
ЗАҲМАТКАШ ВА МЕҲРИБОН УСТОЗЛАР!**



«АСАКА» банки жамоаси

*1 октябрь – Ўқитувчи ва
мураббийлар кунини*

*муносабати билан мамлакатимизда ёш авлодга
таълим-тарбия бераётган барча устоз ва
мураббийларни муборакбод этади!*



ЮКСАК ЭҲТИРОМ БИЛАН «АСАКА» АТБ

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»



ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

**ГАРАНТИЯ
1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Qalandar ABDURAHMONOV

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Mahmud TOIR

Muslihiddin MUHIDDINOV

To'lg'in TO'RAKHOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Shuhrat JALLOV

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni
chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1051. 3396 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 02:10.

Topshirilgan vaqti — 03:30.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон sahifasiga utish uchun
QR-kodni telefoningizda orqali skaner qiling.

1 2 4 5 6